



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 11-mart / № 9 (4658)

ЯДИХУЛИ ШАМОЛИ

Момоларимиз баҳорнинг илк кунларида эсадиган шамолни “Ядиҳули шамоли”, деб атаганлар. Бу шамол куни кеча мудраб ётган дов-дарахтларни силкилаб уйғотди. Куртакларнинг юзига ним табассум югурди. Бир соатга қолиб-қолмай ҳовлидаги мойчечаклар селгиб очилди: сап-сарик бўлиб, солланиб.

Мана энди Богбонбобо қишлолди дарахтлар белига боғланган белбоғ — эски-тускини ечиб, ёқиб юборса ҳам бўлаверди. Қиш қаҳридан қочиб, ўша белбоққа жойлашиб олган зараркунанда, ҳашаротлардан ҳозир қутилмаса, эртанги ҳосилнинг тақдири қандай кечади?! Аёли кунларда бог-роғларга дуд қўйиб, чилла суви берган ва шу йўл билан дов-дарахтни совуқ уришидан, бемаврид уйғонишдан асраб қолган-ку, энди жим қараб турармиди?! Аввало, оқ-оппоқ гуллаган бодомлару навбатма-навбат лўппи-лўппи бўлиб очилажак олча, ўрик, нок, олма ва беҳи дарахтларини ярим белигача оқлаб қўяди. Ёш боғларнинг қатор ораларига деҳқончилик қилиб, бутқалардаги нўж-нўж, пушти гулларнинг қизарган кўзларига айрича меҳр ва эҳтиёткорлик билан “дорили ёмғир” ёғдиради.

Беихтиёр ўз жигаргўшасининг кўзларига томчидори томизаётган ширинсўзли оналаримиз, “Оёғинг, белинг ва бошингни иссиқ тутсанг, шамолламайсан, буйрагинг оғримайди”, деб белимизга жун рўмол ўраб, оёғимизга жун пайпоғу бошимизга

телпак кийгизган кайвони момоларимиз сабр-тоқати, кўнчаллиги хаёлга келади. Ҳа, улар тириклик боғининг донишманд богбонларидир: “Туллаган дарахтни кесма, қарғишига қоласан”, дейишади.

Ядиҳули шамолдан сўнг Бобо-деҳқонлар ҳам энгил, ҳам хушёр тортади. Энди зиротни совуқ уришидан эмас, дўл, жала уришидан қўрқиш керак. Бўёғини сўрасангиз, аллақачон томорқаларга пухта ишлов берилган — помидор, бодринг жўяларига маҳаллий ўғитаралаш калций, фосфор сепилиб, ўз вақтида “қор қўрди” қилинган; қақалоқнинг тишсиз оғзидай кишшайган жўяқлар узра яримой шаклидаги симлар қовурга-қовурга қилиб қадалган; симқовурғалар устидан узунасига плёнка тортилиб, 15-20 метрли иссиқкапалар ҳозирлаб қўйилган. Асаларидай тиним билмайди-ган қишлоқ аҳли энди енг шимариб ишга киришади. Чунки аллақачон гуллашга улгурган помидор, бодринг кўчатларини махсус иссиқхоналардан томорқаларга — иссиқкапаларга кўчириш лозим, ҳар

БАҲОР ЮМУШЛАРИ

дақиқа ғанимат. Камига, ҳали-замон дала ишлари бошланади — фермерлар плёнка остига чигит экиш ҳаракатига тушади — далалар молаланиб, ўқариқлар тортилади; ўт-ўланлар соат сайин ўсади-ган айна паллада ғаллакорларнинг ҳам патагига қўрт тушиб, ғалласига шарбат суви тарайди; ёғингарчилик кўнгилдагидек бўлса, барака ёмғирдан олдин май-сазор оралаб бугдойзорга кимёвий ўғит сочилади, хуллас, ҳамма ишга бирдек улгуриш керак.

Шаддод ёмғир лолақизғалдоқларни, ям-яшил далалар буйлаб зир югуришга мажбур қилади. Боботўғ ҳам гўё бир патнис сумалак майсасини кўтариб, элу юртга пешвоз чиққандек туюлаверади. Қир-адирлар кўм-кўк тус олиб, кўзи-улоқларнинг маърашлари, дикир-дикир сакрашлари қулоқлару юракларда акс садо бера бошлайди. Қўйивоннинг кўни туғади: кечаю кундуз кўнгли алағда, икки кўзи қўтонда бўлиб қолади. Совлиқлар янги туғилган, бешик тебратарга ўхшаб довди-рабгина турган кўзичоқларни ялаб-юлкайди, қурилади. Бўрибосарлар сергак, очнаҳор жондорлар ҳужум қилиб қолиши мумкин-да. Эртаци тўл суддан чиқарилиб, етим кўзиларни сунъий озиклантириш, отарни совуқ урган яйловда ўлатмаслик, эчки-улоқларни ичбурғдан сақлаш таъшишлари Чўпонотани жуда эҳтиёткор қилиб қўяди.



ЭЪЗОЗЛАР, АРДОҚЛАР УЧУН ТАШАККУР!

МАНГУ АЗИЗ ВА МЎЎТАБАР ЗОТ



“Аёллар комиллик изламайди, чунки комиллар туғиш ва комилларни тарбиялашнинг ўзи комиллик белгисидир”, деган донишмандларимизнинг ҳикматли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини ҳар лаҳза ҳис қилган қалби уйғоқ инсонлар кўп. Уларнинг кўплиги маҳтал кўнгилларга малҳам бағишлайди. Аёл кўнглининг роҳат-фароғати эса, ўз оиласида, ўз жамоасида, ўз ватанида, ўз орзу-ўйларида, ўз мақсадларида мўъжасамдир.

Давлатимиз раҳбарининг юртимизда нишонланган Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Ўзбекистон аёлларига йўллаган табригида хотин-қизларнинг истикболли ҳаётини янада фаровон қилиш йўлида амалга оширилиши шарт бўлган режаю мақсадлар айтиб ўтилди. Бу янги режалар Янги Ўзбекистонни барпо этишда, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда аёлларнинг кучига, салоҳиятига, қатъиятига, закийлигига ишонч юқорилигини англатиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг: “Агар биз меҳр-оқибат ва садоқат тимсоли, хонадонларимиз фариштаси бўлган аёлларга битта яхшилик қилсак, ҳеч шубҳасиз, бу ўнта яхшилик бўлиб, албатта, қайтади”, деган самимий сўзлари жанг-рагланган байрам тадбирида ўтирган аёлларимизнинг гулгун чехраларида мамнунлик акс этди. Чиндан ҳам Аёл деб аталмиш сирли хилқатнинг ҳар соҳада кўрсатаётган матонати, жасорати кундан-кун дунёни лол қолдирмоқда. Гендер тенгликнинг асл моҳиятини англаган фозила, комила, олма, солиҳа аёлларимиз ўз жуфти ҳалоллари билан бир сафда ҳаёт ташви-

шларини, тўсиқларини энгиб ўтишга куч ва ғайрат топтоқда.

Юртимиз фаровонлиги, тинчлиги, тараққиёти йўлида ўзининг ҳалол, заҳматли меҳнати билан намуна бўлган қанчадан-қанча фидойи опа-сингилларимиз, онахонларимиз давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирлангани ҳозирги долғали кунларда улар кўрсатаётган том маънодаги қаҳрамонлик самарасидир.

Дунёда аёл бор экан, меҳр сўзи тиллардан дилларга кўчиб ўтаверади. Дунёда аёл бор экан, яралиш, яратиш давом этади. Пул топиш мумкин, обрў топиш мумкин, лекин аёлнинг меҳру муҳаббатсиз бу дунёда ҳеч бир инсон саодат топмас.

Тинч ва осуда кунларда, ўзгача виқор касб этаётган шахару қишлоқларимизнинг жаннатмакон бўлиб дунёга юз очишида фидойи ва заҳматкаш аёлларимизнинг меҳнати бекиёс-дир. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган юксак ишонч эса, мени ҳамиша юксак мақсадларга бошлайди. Камтарона меҳнатимнинг муносиб тақдирлангани мени келажакда ҳалқимга, адабиётимга янгича руҳ билан, юрак қўрим билан битилган асарларни тақдим этишимга сафарбар этди. Илоҳим, бу янгиланишлар барча аёлларимизга хайрли бўлсин!

**Аёл, кўзинг ёшларини яширгансан,
Тиконларин беркитгандек атиргуллар.
Сен дунёнинг тилларига тушунарсан,
У-чи, сенга тошдан қаттиқ бардош йўллар.**

**Отмаётган тонгларингни яширгансан,
Меҳринг билан асли порлаб турар қўёш.
Ахир, тоғлар тоғ бўлган-ку, дунё гувоҳ,
Пойинг ўпиб, қўйганида кўксингга бош.**

**Майли шундай, меҳринг билан қалбинг очиб,
Ўзгаларнинг дардларини олгин Аёл!
Гарчи ўзинг буюк сирсан яратгандан,
Мангу азий ва пок бўлиб қолгин Аёл!**

**Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
“Шўхрат” медали соҳибаси**

Ҳар йили 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида давлатимиз раҳбари иштирокида тантанали байрам тадбири ўтказилиши анъанага айланган. Мана шу тадбир ҳар гал телеканаллар орқали эфирга узатилганда мукофот соҳибалари тақдирланганини кўриб, дадам кўнғироқ қилиб: “Қизим, сен чиқиб қолсанми, деб охиригача кўриб ўтирдим”, дейдилар. “Дадажоним-а, бу мукофотни олиш учун аввалроқ ҳужжат топириш керак, мен иштирок этмаганман-ку” десам, дадажоним: “Барибир кутавераман”, дердилар. Мана бу йил — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида Зулфия номидаги Давлат мукофотида адабиёт йўналишида лойиқ деб топиладим. Ота-онамнинг орзуи ижобатини топди.

Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи менинг энг сеvimли китобларимдан бири. Ҳар сафар Зебижоннинг истеъдоди, жозибадор овози унинг бошига етгани, уни бахтсизлик сари

етаклаганини ўқиганимда кўзимга ёш келади. Чўлпон бобом бежиз Зебини туғма истеъдод эгаси сифатида тасвирламаган. Адиб ўша даврдаги барча истеъдоди увол кетган Зебилар ҳақида эслатмоқчи бўлгани аниқ. Асарни ҳар сафар ва-рақлар эканман, инсон қадри, аёл қадри улуғланаётган, тинчлик ва фаровонлик ҳукм сураётган мустақил давлатда яшаётганимга шукрона келтираман.

Озод ва тобора обод бўлиб бораётган бетак-рор Ватанимизда ёшларга, қолаверса, ижодкор ёшларга барча имкониятлар яратилган. 2015 йилда “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида “Қуйламасам бўлмайди” номли шеърый тўпламим 20 минг нусхада чоп этилди. Республикаимиздаги барча мактабларга, касб-ҳунар коллежларига, шунингдек, ҳарбий қисмларга мўъжаз китобчам етиб борди. Шеърят шайдоси бўлган укаларим, сингилларим, тенгдошларим, дўстларимдан хат-

лар олганим ҳам эсимда. 2018 йилда бир гуруҳ ёш ижодкорлар қаторида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим. Ўшанда эндигина 22 ёшга қадам қўйгандим. Бу рақамларни бежиз келтирмадим. Устозларимдан бирининг илк китобчаси 39 ёшида чоп этилган экан. Уюшма аъзолигига қабул қилиниш учун ҳам йиллар давомида ижод қилиш, бир нечта китоблар чоп эттириш талаб қилингани ҳам бор гап. Аммо юртимизда сўнгги йилларда ёшларга муносабат та-моман ўзгарди ва ёшлар сиёсати янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон чин маънода ёшлар мамлакатига айланди.



ЭЪТИБОРДАН БОШИМ ОСМОНДА



Баҳор фасли бор гўзалликлари билан кириб келган шундай чиройли кунларда газета орқали дил сўзларимни айтиш имконияти берилганидан ниҳоятда хурсандман. Айна дамлар ҳаётимдаги унутилмас кунлар, уларни умрим дафтарига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйсам арзийди: камтарона меҳнатим инобатга олиниб, “Меҳнат шўхрати” орденига муносиб қўрилганимдан бошим осмонга етди. Президентимиз меҳр билан, ишонч билан ордени кўксимга тақиб қўйган дақиқаларда ҳис-ҳаяжондан юрагим ҳаприқиб, ўзимни самоларда учгандек ҳис қилдим. Шундай дақиқалар юртимизнинг барча санъаткор аёлларига насиб айласин.

Мен санъаткорман, лекин, аввало, онаман, бузиман. Ҳар бир аёл фарзанди учун яшайди ва унинг келажакда бахтли бўлишини истайди. Президентимизнинг юртимиз, фарзандларимиз келажаги, айниқса, қизларимиз ҳақида умид ва ишонч билан айтган самимий сўзларини тинглар эканман, бундай эътибордан, жонқуярликдан кўзларимга ёш келди. Ҳа, аёлга, онага осонмас. Масалан, ўзим узоқ йиллардан буён санъат ичидаман. Шу сабаб санъаткор аёлга осон эмаслигини яхши биламан. Ҳам оилани урдалаш, ҳам фарзандларни камолга етказиш, ва айна пайтда, санъатда бирор даражага эришишнинг ўзи бўлмайди. Шуларни уйлаганимда, бугун ўзимни энг бахтли аёл, деб ҳис қиламан. Айна дамда “театр соҳасида қўлимдан келганича янгиланишлар қилиш йўлида изланаман, мухлисларимизга маънавийат улашиш йўлида меҳнатимни аямайман”, деб ўзимга сўз бердим.

Бугун биз оналар осмонни мусаффо, тинч мамлакатда фарзандларимизни ўқитишга, ишга қўзатарканмиз, Яратганга шукроналар айтамыз. Бахтимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин.

**Одина ҲОЗИЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти,
“Меҳнат шўхрати” ордени соҳибаси**

МУХЛИСЛАР ТАРБИЯСИ — БОШ ВАЗИФАМИЗ



Бу йилги баҳор мен учун қутилмаган совға билан бошланди. 8-март байрами арафасида Президентимизнинг Фарҳаджон юрагим ҳаприқиб, ўзимни самоларда учгандек ҳис қилдим. Шундай дақиқалар юртимизнинг барча санъаткор аёлларига насиб айласин.

Мени санъаткорман, лекин, аввало, онаман, бузиман. Ҳар бир аёл фарзанди учун яшайди ва унинг келажакда бахтли бўлишини истайди. Президентимизнинг юртимиз, фарзандларимиз келажаги, айниқса, қизларимиз ҳақида умид ва ишонч билан айтган самимий сўзларини тинглар эканман, бундай эътибордан, жонқуярликдан кўзларимга ёш келди. Ҳа, аёлга, онага осонмас. Масалан, ўзим узоқ йиллардан буён санъат ичидаман. Шу сабаб санъаткор аёлга осон эмаслигини яхши биламан. Ҳам оилани урдалаш, ҳам фарзандларни камолга етказиш, ва айна пайтда, санъатда бирор даражага эришишнинг ўзи бўлмайди. Шуларни уйлаганимда, бугун ўзимни энг бахтли аёл, деб ҳис қиламан. Айна дамда “театр соҳасида қўлимдан келганича янгиланишлар қилиш йўлида изланаман, мухлисларимизга маънавийат улашиш йўлида меҳнатимни аямайман”, деб ўзимга сўз бердим.

Бугун биз оналар осмонни мусаффо, тинч мамлакатда фарзандларимизни ўқитишга, ишга қўзатарканмиз, Яратганга шукроналар айтамыз. Бахтимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин.

Бу йилги баҳор мен учун қутилмаган совға билан бошланди. 8-март байрами арафасида Президентимизнинг Фарҳаджон юрагим ҳаприқиб, ўзимни самоларда учгандек ҳис қилдим. Шундай дақиқалар юртимизнинг барча санъаткор аёлларига насиб айласин.

**Зулфия ҲАМРОЕВА,
Ўзбекистон давлат
ёш томошабинлар театри
директори,
II даражали “Соғлом авлод
учун” ордени соҳибаси**

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Олдин бундай пайтларда биз Қизилсув-га сел келишини интизорлик билан кутардик. Селдан сўнг қирғоққа чиқиб қоладиган балиқларни териб олиш, лойқа юзидаги сон-саноксиз балиқ изларини томоша қилиш нақадар завқли эди. Биз — болаларга чексиз завқ улашган бу табиат ҳодисаси катталарга қўп таъшишлар келтиришини кейинчалик тушуниб етдик. Қирғоққа ту-таш пахтазорлару ғаллазорларни асраш учун дарёга селпоялар ташлаб, дамбалар

ЯДИҲУЛИ ШАМОЛИ

қуриш, аҳолининг хавфсизлигини таъмин-лаш, уй-жой, мол-мулкни асраш учун қўп ишлар қилиш лозим экан. Шундай вақтлар бўлдики, сел мавсумида дарёдан кўрпа-тўшаклар, ҳатто бешик оқиб ўтганла-рини кўрдик. Бир неча йил муқаддам ҳам Хонжизадаги бир тоғ чўққиси намгарчилик юқорилигидан икки метр паства силжиган, хавф остида қолган қишлоқ аҳолисини эва-куация қилишга тўғри келганди.

Неча юз йиллардан буён осмоннинг қо-воқ-тумшугига қараб, табиат билан она-бо-ла бўлиб, бир бутунликда яшаб келаётган Сурхон одамларининг ҳаёт тарзи ҳозир ҳам шундай. Эл орасида шундай ҳисобдонлар борки, ёзда эсган Асад шамолининг тўқсон кундан сўнг ўзи билан қорми, ёмғир олиб келишини олдиндан аниқ айтиб беради. Одамлар қишнинг қандай келишини бар-вақт аниқлаб, шунга қараб деҳқончилик қилишади; чорвачилик, боғдорчилик би-

лан шуғулланишади. Сувсизликка чидамли пахта навини яратган, Ўзбекистон Қаҳра-мони, марҳум Иброҳим Файзуллаевдек машҳур фермерлар, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаевдек чорвадорлар, ёввойи дуланага олмани пайванд қилиб Сангардак тоғларини олмасорга айлантирган Носирхон ота Турақуловдек моҳир боғбонлар қишлоқ ҳаётининг чинакам билимдонларидир.

Тўғри, бугун шаҳарлашаётган қишлоқ, овуллардаги азалий турмуш тарзи кескин ўзгарган. Ҳаёт қувончлари ва таъшишлари, баҳорги юмушлар ҳам мутлақо ўзгача. Одам-

лар энди илгаригидек нукул боғдорчилиқ, деҳқончилик ва чорвачилик билан эмас, замонавий шаҳарсозлик, оилавий бизнес, тадбиркорлик билан ҳам шуғулланиб, чекка ҳудудлар қиёфасини тубдан ўзгартиришга, ўзидан озод ва обод Ватан қолдиришга ин-тилмоқда. Минглаб километрли ички йўл-лар худди ёшлик элексирини инган нуруний чолнинг пешонасига битган ажинлардай фавқуллода таранг тортган. Равон йўллар бўйлаб қад ростлаган бинолар эмас, гўёки араб ҳарфлари билан "ламякун" — ҳуснда "тенгсиз" деб ёзиб қўйилган.

Ҳа, Ўзбекистон кундан-кунга ёшариб бор-моқда. Пешонасига қуёш битган Ватан — бу. Энг азиз, энг улуғ нёъмат — Мустақиллиги-мизнинг ўттиз биринчи баҳорида эсган боди саболар қалбларимизни уйғотгани рост бул-син.

Шўҳрат АЗИЗОВ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Мен билан бир қаторда ўз билими, интилишлари, фавқуллода истеъдоди, зукколиги, жамиятдаги фаоллиги учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти-га сазовор бўлган барча қизлар билан яқиндан танишиб, дугона тутиндим. Тўғри, улар турли йўналиш, турли соҳа вакиллари, аммо уларнинг барчасини шоира Зулфияга хос бўлган ҳаё, вафо, оилага, юртга садоқат каби хислатлар бирлаштириб туради.

Жорий йилнинг 1 март санасида Президентимиз раислигида хотин-қиз-ларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги bosқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ои-лавий зўравонлиқнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлатимиз раҳбари: "Бир нарсани аниқ тушунишимиз керак. Ҳам оила, ҳам бола тарбияси билан шуғул-ланиш билан бирга, ўқиш, иш ёки тад-биркорлиқни олиб бориш катта матонат талаб қилади", деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Тантанали маросимда тақдир-ланган барча хотин-қизларда мана шу матонат буй кўрсатиб турибди. Зулфия

номидаги Давлат мукофотига лойиқ деб топилган дугоналарим фарзанд тарбияси билан бир қаторда илмий из-ланишлар олиб бораётган, докторлик диссертациясини ёқлаш арафасида турган, қизгин ижод қилаётган, ижти-моий ҳаётда ҳам фаол бўлган қизлар-ди. Бугун уларнинг барчаси қилган меҳнатлари, изланишлари учун худди Зулфияхоним каби эъзозланаётир, ар-доқланаётир.

Эъзозлар, ардоқлар учун ташаккур. Асли Сиз офтобим, мен зиёсиман. Кунларингиз кулсин дориломон, ҳур, Бахтим шул — ўзбекининг Зулфиясиман.

Давлатимиз раҳбари Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тан-танали маросимда бизларга қарата: "Бугун Зулфияхонимга муносиб из-дош сифатида эътироф этилиб, со-вриндорлар сафида турган яна 28 нафар зукко фарзандларимни кўриб, қалбим чексиз фахр ва қувончга тўл-моқда. Сизлар каби юксак марраларга интилувчан қизларимни чин юракдан табриклаб, намунали фаолиятингиз ва етакчилик фазилатларингиз билан тенгдошларингизга ўрнак бўласиз-лар, деб ишонаман" дедилар. Бизга билдирилган бу ишонч, юксак муко-фот зиммамизга катта масъулият ҳам

юклайди. Қалбида орзулар барқ ураёт-ган, аммо ўз ижоди, салоҳиятини тўла намоён этиш йўлларини тополмаётган дугоналаримизни, сингилларимизни ўз атрофимизда бирлаштиришимиз, уларни руҳлантиришимиз, ортимиз-дан эргаштиришимиз, уларнинг ис-теъдодини ривожлантиришда, илмий ва ижодий фаолият олиб боришида кўмакчи бўлишимиз шарт. Шу билан бирга, она Ватанимизда Учинчи Ре-нессанс пойдеворини барпо этишдек юксак вазифага ўз ҳиссамизни қўши-шимиз зарур.

Бу йилги баҳор ҳар галгидан-да дил-барроқ келгандек, шуқуҳи ўзгачадек. Бу галги баҳор ҳар галгиданда кўпроқ гул-лар тутгандек. Барчангизни "Гул сайли"га чорлайман.

ГУЛ САЙЛИ

Кўрганларнинг ҳавасин Келтиргани келганмиз. Ким нима деса, десин, Гул тергани келганмиз. Гул тергани келганмиз.

Бир ён лолақизғалдоқ. Урён лолақизғалдоқ. Кимдир қирга бекиниб Қилар нола, қизғалдоқ. Ўғил бола, қизғалдоқ.

Дуторим жим, қуяди. Иккита сим қуяди. Увол кетган севгига Айтинглар, ким қуяди? Менинг ичим қуяди...

Эшик олди гулҳовуз. Ҳаммаси бир пул, ҳовуз. Ёна, ёна кул бўлган Юракларни юв, ҳовуз. Бағринг тўла сув, ҳовуз.

Энди икки ўртада Гина бўлмаса бўлди. Сенга нима, ҳой, менга Нима бўлмаса бўлди. Гина бўлмаса бўлди.

Нур қучар ярим шарни. Сир қучар ярим шарни. Тунда тинч ухлолмасанг, Тонгда гул ярашарми? Сенга гул ярашарми?

Ҳол сўргани келганмиз. Гул кўргани келганмиз. Айтиб қўйдим ростини: Ёр кўргани келганмиз! Ёр кўргани келганмиз!

Кумуш АБДУСАЛОМОВА,
Зулфия номидаги
Давлат мукофоти соҳибаси

СИРДАРЁ БАҲОРИ

Бир гуруҳ ижодкорлар Сирдарё вилоятида сафарда бўлиб, Ши-рин шаҳрида қад ростлаган ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросимида ҳамда Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабда бўлиб ўтган адабий анжуманларда иштирок этиб қай-тишди. Қуйидаги икки лавҳада шу ҳақда ҳикоя қилинади.



НАВОИЙ ҲАЙКАЛИ ШИРИН ШАҲРИДА

Ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросимида Ўзбекистон Ёзувчи-лар уюшмаси раиси, халқ шоири Сиро-жиддин Саййид, Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев ҳамда сирдарёлик ижодкорлар, фаоллар қатнашди.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2020 йил 19 октябр-даги "Буюк шoir ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарорига асосан Ширин шаҳрида улуғ бобокалоним-миз ҳайкалининг бунёд этилишида рам-зий маъно борлигини таъкидлади.

Биламизки, 1948 йили Ўзбекистон энергетикаси тарихида муҳим воқеа — Фарҳод ГЭСнинг қурилиши бошланган. ГЭС қурилиши билан бир вақтда қорхона бунёдкорлари ва аҳоли учун яшаш жой-лари ҳам барпо этилган. Азим нурхона Фарҳод, аҳоли маскани эса Ширин деб

аталган. Сабаби, шаҳарнинг унча узоқ бўлмаган жойда Фарҳод қояси қад кўтар-ган бўлиб, унинг қуйроқ қисмидан Ши-ринқиз сойи оқиб ўтади.

— Биз Фарҳод ГЭСини мактаб дарсликларидан ўқиб ўрганганмиз, — деди Сирожиддин Саййид. — Ойбек, Мир-темир, Рамз Бобожон сингари таниқли ёзувчи, шоирларимиз бу ҳақда бадий асарлар ёзишган. Шундай мўътабар ма-сканга, Президентимизнинг тарихий қаро-рига мувофиқ, улуғ бобомиз ҳайкалининг ўрнатилишига нафақат вилоят мутасад-дилари, эл-юртнинг хайрихоҳлик билан бош-қош бўлганини кўриб турибмиз.

Тадбир сўнггида Ширин шаҳри кутуб-хонасига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган китоблар совға қилинди.

**Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раисининг матбуот котиби**

1996 йил. Сентябрь. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг Журналистика факультетида талабаликнинг бошланиши. Янги муҳит, янги дўстлар билан танишув. Шунда Тохир билан яқиндан танишдик. Ҳатто Тинчлик маҳалласидаги Бокучадан ижарага жой топиб, бир йилдан зиёд яшадик...

Бугун Пискент томон йўлимиз тушиб, курсдошим Тохир ҳақидаги хотиралар ха-ёлимда яна бир жонланди. 2019 йилнинг ёзида таниқли шоир ва журналист Тохир Шомуродовнинг вафот этгани ҳақидаги ха-бар оила аъзолари, қариндошлари қатори-да биз дўстларни ҳам оғир қайғуга солди.

Тохирнинг келажақдаги орзулари жуда катта эди. Шу ниятлари йўлида тинмай меҳнат қилди, ижодий асарларини юза-га чикарди. Айниқса, китоб мутлоасини қанда қилмади. У 2003 йилда Ўзбекистон Миллий университети Журналистика фа-культетининг магистратура bosқичини тамомлади. Турли йилларда "Фидокор", "XXI аср", "Хуррият", "Нуроний" газета-

ларида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот хизматида, "Ўзбекино" миллий агентлигида, Президент девони-да, "Маҳалла" телеканалда турли масъул лавозимларда меҳнат қилди.

Ижодий фаолияти давомида таҳлилий ва танқидий мақолалари билан ўқувчи-

этилди. Тўпламда унинг турли йилларда "Пискент ҳаёти", "Нуроний", "Хуррият", "XXI аср" газеталари ва "Кексақалқ" газеталарида, ижтимоий тармоқларда эълон қилинган мақолалари, ҳикоялари, сценарийлари, шеър ва таржималари ўрин олган.

«МЕН ЁНИНГДАН ЙИРОҚМАН» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

лар эътиборига тушди. "Ўзбекино" то-монидан унинг қаламига мансуб "Тузоқ" бадий фильм, "Тулкивойнинг табасси-мультифильми, "Суняч", "Рефери", "Яра-шув институти", "Тошкент — ислом ма-данияти пойтахти" каби ўнлаб ҳужжатли фильмлар суратга олинди.

Бундан ташқари, рус шеъриятидан қа-тор таржималар қилишни бошлаган эди... Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Тохир Шомуродовнинг "Мен ёнингдан йироқман" номли китоби чоп

Тошкент вилояти Пискент туманида-ги Мусиқа ва санъат мактабида Пискент фарзанди, таниқли журналист ва адиб, марҳум ижодкор Тохир Шомуродовнинг мазкур китоби тақдими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзе-бекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Пискент тумани ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими, Ахборот кутубхона маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда марҳум журналистнинг устозлари, oilаси, фарзандлари, дўст-

**Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими**

лари ва ҳамкасблари, ОАВ вакиллари ва блогерлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-маси Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўз-бекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўрин-босари Ғайрат Маждид, Журналистлар ижо-дий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов, "Шарқ юлдузи" ва "Звезда Вос-тока" журналлари бош муҳаррири Сиро-жиддин Рауф, ёзувчи, фахрий журналист Собиржон Иномов, Тўхтамурод Ҳасанбоев ва дўстлари ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси то-монидан нашр этилган турли бадий кит-облар тумандаги мусиқа ва санъат мак-табига, Тохир Шомуродов ўқиган мактабга ва унинг фарзандларига совға қилинди.

**Шоди ОТАМУРОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси**

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Туркий адабиёт хазинаси" 100 жилдлик асарлар мажмуасини чоп этишга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзе-бекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Нодир Жонузоқ, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбоса-ри Ғайрат Бозоров, "Ўзбекистон" нашриёти ДУК директори Умид Ҳайитов ва бошқалар иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазир-лар Маҳкамасининг топшириқлари ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Мажмуа тар-киби, амалга киритилаётган ижодкорлар ва туркий миллатлар адабиётидан бугунги кунга-ча ўзбек тилига таржима қилинган асарлар рўйхатини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, бу нафақат Марказий Осиё, балки туркий тилли давлатлар ора-сида амалга оширилаётган биринчи катта адабий лойиҳа бўлиб, унга умумтуркий ада-биёт, шунингдек, ТУРКСОЙ ташкилотига аъзо давлатларнинг ёзма адабиёти намуналари киритилади. Мажмуадан замонавий ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз адабиётлари антологияси ҳам ўрин олади.

Лойиҳа доирасида жами 450дан зиёд ижодкорнинг асарларини жамлаш кўзда тутил-ган бўлиб, мажмуанинг ҳар бир жилди учун масъулар белгиланган. Ишчи гуруҳи томони-дан келгусида таржима қилинадиган асарларнинг таржимонлари масаласи ҳам муҳокама қилиниб, лойиҳага ёш таржимонларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Аёлга эҳтиром" республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Танловга олтимиш саккиз нафар муаллифнинг бир юз йигирма тўртта асари тақдим этилган. Улар орасидан ҳаётимиз қувончи, oilаларимиз кўрки бўлган мўътабар она сий-моси юксак даражада таранум этилган, бугун жамиятимизда амалга оширилаётган ян-гиланишлар ва бунёдкорлик ишларида фидойилик кўрсатиб, салмоқли натижаларга эри-шяётган хотин-қизларга бағишланган шеърый, насрий ҳамда бадий-публицистик асарлар саралаб олинди.

Якуний натижаларга кўра, "Мен офтобга олишмаган аёллар" шеърый тўплами учун Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир биринчи, "Аёл — мўъжиза ёҳуд Ватаннинг бош-ланиши" номли китоби учун Ғавҳар Ибодуллаева ҳамда "Қуёшим — энам" китоби учун Гул-жаҳон Мардонова иккинчи ўринга лойиқ топилди. Зарифа Эралиева "Қуёшининг асра, осмон" ҳужжатли эссеси учун, Муҳаббат Йўлдошева "Қайнона" ҳикоялар тўплами учун, Ривож Ўтарбоев "Улуғлар ичида улугсан, аёл" шеърый туркуми учун учинчи ўринга муно-сиб кўрилди. Юлдуз Ўрмонова, Гузал Охунова, Мўътабар Бойматова эса айна мавзудаги матбуотда эълон қилинган насрий ва публицистик асарлари учун рағбатлантирувчи муко-фотлар билан тақдирланишди.

Тадбир сўнггида ўн тўрт нафар ижодкорга уюшманинг аъзолик гувоҳномалари топши-рилди.

Қорақалпоқ давлат университетиди Қорақалпоғистон халқ шоири, сенатор Гулистон Аннақиличеванинг "Қуксимдаги нур" номли китоби ҳамда туркман халқининг сеvimли шоири Махтумқулининг ўзбек тилига таржима қилинган икки жилдли асарлар тўплами тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда адабиётшунос олимлар, ижодкорлар, талаба ёшлар ва жамоатчилик вакил-лари қатнашди. Филология фанлари доктори, профессор К.Қураамбоев, адабиётшунос Ў.Галлиева, Қорақалпоғистон халқ шоири Н.Турешова, Қорақалпоғистон халқ ёзувчилари К.Каримов, М.Низанов ва бошқалар сўзга чиқиб, Гулистон Аннақиличеванинг турли мавзулардаги лирик шеърлари ҳамда қасида руҳидаги дostonлари хусусида фикр юри-тишди.

Шоира олий ўқув юрти кутубхонасига ўз китобларини совға қилди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 112-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабиди ёш авлодини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улуғ адибларнинг обратли ҳаёти ва ижод йўли, улар яратган улкан адабий меросни ҳамда китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш мақсадида адабий учрашув ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маждид, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон ва болалар шои-ри Дилшод Ражаб ёшлар билан ижодий мулоқот қилишди, шеърларидан намуналар ўқиди.

Мактаб кутубхонасига бадий китоблар совға қилинди.

Сайфулло ҚУЛАЕВ

Шоир Сайфулла Қулаевнинг янги китоби кўлёмасини ўқиб, кўнглимдан ўтганлари ушбуди: Сайфулла ака — яхши шоир, унинг битиклари мудрок туйғуларни уйғотувчи, фикр кўзғатувчидир. Шоирнинг “Олма дарахти ва Улуғбек” шеъри аччиқ савол билан тугайди. Дарҳақиқат, шеър асли аччиқ саволдир. Бундай шеърлар шоир ижодида кўп учрайди. Сатрлари кўнглингизда уйғотган оғриқлардан завқланасиз, аччиқ саволлардан сергак тортасиз. С.Қулаевнинг шеърлари Ўзбекистон ва Тожикистондаги бир қатор газета ва журналларда эълон қилинган, у киши бир неча шеърини тўпламларнинг, дарсликларнинг муаллифи. Қўллаб таниқли тожик ва рус шоирлари асарларини таржима қилди.

Шоирнинг мусаввирана тасвирларини кўриб ҳайратланасиз. Чунки Сайфулла ака рангтасвирчи расом ҳамдир. Унинг рангтасвир асарлари Тожикистоннинг турли галереялари, Аҳмад Дониш номидаги тарих-этнография музейи томонидан сотиб олинган, “Бир сават настирин” сингари натормортлари хусусий коллекцияларда сақланади. Шоир, журналист, расом ва таржумон Сайфулло Қулаев айни пайтда Тожик миллий энциклопедияси бош илмий таҳририятида адабий ҳодим бўлиб ишлаётир. Қўйда унинг ижод намуналари билан таништирамиз.

Мансур ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мутахассиси, шоир

КЎЗЛАРИНГНИ ВАРАҚЛАБ ЧИҚДИМ

ОЛМА ДАРАХТИ ВА УЛУҒБЕК

Олма учун келиб менинг тағимга, Кўрмайсиз кўз ёшим — чашми таримни. Калтак уриб тукманг кўл, тирсагимга, Нарвон қўйиб узинг меваларимни.

Ур калтак-сур калтак, бости-бостидан Жаҳаннамга дўнар ҳосилдор кузим. Етти қават бўлган ернинг остидан Зирқираб кетади томир-илдизим.

Азалдан миришкор, пири кор ўзбек, Тугилмаган ношуд бўлиб онадан. Бобокалонимиз Мирзо Улуғбек Кўкка нарвон солди расадхонадан.

Калтаклаш, тош отиш! Уёлмайсизми? Қайдадир дарддошлик хотира ёди? Бир олмага нарвон қўёлмайсизми, Мирзо Улуғбекнинг кенжа авлоди?

ҚАЛАМ

Уни чўлтоқ деймиз ва изи қаро, Хатти батлон чизиш, деймиз, унга ёр.

Лекин буқаламун бу олам аро, Шўрликнинг бир юзи, бир оёғи бор.

Демагил у нима, демагил у ким, Барчага қарайди бир сиёқ билан. Бир имзо билан у чиқарар ҳукм, Дунёни забт этар бир оёқ билан.

КАПАЛАК

Ҳайратландим гулшанга келиб, Умринг киприк қоққанчалик оз. Эй капалак, ҳаммаси бўлиб, Бир кун қилдинг рақс ва парвоз.

Бор-йўғи шу, бир кунлик аксинг Воқиф этди гўзал бир сирдан, Гулшандаги бир кунлик рақсинг Минг йилгача кетмас хотирдан.

БУЛБҮЛ

Нима дейин, эй, ҳофиз булбул? Хошиингга тўлганда борлиқ, Олам-жаҳон борица, буткул, Ҳисларимга қилмоқда торлик.

Сайраяпсан дилни ром қилиб, Эҳтиросни жўштириб танда. Куйлапти сенга қўшилиб, Гулшандаги аҳли парранда.

Ухлагандим, тушларда оқиб, Босган эди ғафлат тошлари. Сен уйғотдинг, ҳамда сайроқи Ва қанотли қариндошларинг.

Нима дейин? Борини айтдим, Кафтимдадир ер-осмон, мана. Кетган эдим йўқликка. Қайдим! Ўлган эдим. Тирилдим, яна!

Хайр, энди кечиргин мени, Манзилингга омон ет, дединг. Хотираңдан ўчиргин мени, Мендан кўнгли узиб кет, дединг.

Хотирамдан кетмадинг бир он, Бунга чора туза олмадим. Сенга кўнгли боғладим осон, Лекин кўнгли уза олмадим.

Абдулла ВАХШ

ОЙ АСТА ЭНГАШИБ ЮЗИМНИ СИЛАР



Тахлика кўркувдан чинқирган маҳал. Тасодиф... кўришдик... бу ҳам иноят. Йўқ-йўқ, чимрилмади қобоқлар зарҳал, Қирмизи лабларинг пичирлар оят... Ё, Раббим, ҳар кунинг ғанимат дунёда Бир четда, тинч яшаш қанчалар улуг! Замондан узулган, фақат, пиёда борар хилватларда яшашинг қутлуг! Исмингни... баралла айтиб қақирсам, зилдек сукунатни тинглашдан кўрқиб. Тишни тишга босиб, тақдирга тан — десам, етим қабирғам боз туради туртиб... Яхшиям Сен борсан... Ўзи ёрлақасин, Ёлбордим... Жами азизларга исмингни айтиб. Асрасин! Даф этсин

мангу ҳижронларнинг зарбасин... Омон бўлсанг, бас... Бир кун учрашамиз мозийга қайтиб...

ЎЗИНГДАН ЎЗГАНИ...

Ёздим... юрагимни ўзингга ёздим, атлас ёғимидай... чуқур чандиқлар... Оёғимдан кўчиб... ақлдан оздинг... О-о-о..., бизнинг ишқимиз!... Телба-жунунвор... Ёздинг... юрагингни кафтимга чиздинг, дастимни куйдирди ҳар бир чизиги... Босдинг... босавердинг телба ҳирс билан, тобора чуқурроқ ботди ёзиминг... Қорозни куйдирди кул бўлган юрак, андуҳ солиб учди ҳислар зафарон... Чақирдинг... ва асло қайтиб бормадим... йўллар соғинчидан сарғайдинг, жонон... Йилларнинг соғинчи мени ҳам ёқди, кўксимда ачишар яллиғланган чўғ. Ўзингдан Ўзгани сева олмадим — тафтинг баданимда совугани йўқ.

Ҳар гал сўрадингиз, «...сўзингиз хўбми? Меҳрингизни кимлар ичгай ютоқиб?! Маҳбубангиз мену, Барҳақ муҳибми?» — Кулиб туравердим, жимгина боқиб. Кўнгли кузгусидан гуллаган кўзлар, Муҳаббатта мева боғлади чоғи, Яна сўрадингиз, «бу қизил юзлар, Ибонгиз рамзим, ё лаблар доғи?» Яна дедингиз-ки, «...ул барно кимдир? Мен ҳам танийманми, исмини айтинг...» Шубҳасиз, танийсиз, ...қоинот жимдир, Номин зикр этиб чорлаган пайтим! Ва миллион ёруғлик йиллари қадар, Олис-олисларга талпинар меҳрим! Ишқим етказгали, бир сўз топмадим, Ҳар рўз умидворман, меҳрингдан, Раббим!..

Бағримда анвойи бир қучоқ гуллар... Дўстларим меҳрининг хушбўй рамзлари. Ичида даста гул... бошқача улар, Худди Гулиқаҳҳа лаби сингари. Улар фарқ қилади моҳир гулчининг Саралаб боғлаган гулбандларидан.

Юрак хабар топар, зоҳир — сирчининг гулларнинг баргига пайвандлигидан. Дўстлар кўршовида боқаман ёниб, Кимдир бўла қолинг, дея тезлайди. Юрак гул баргидек масъум, тўлғониб, Узанган кўллардан қўлинг излайди. Кафтим даста гулга қўйиб сезаман, Япроқлар юзидан бармоқ изингни. Кўзлар тўғонини бузиб, панадан — Кафтинг-ла тўсасан мендан кўзингни... Танийман... вужудни ўртади соғинч, Бор, қўлини ўп, дер ... вазият оғир. Кимдир билагимдан тортар, бўлди, кеч — зўрға судраламан... юрагим оғир...

СОҒИНЧ

Кўксим музлаб кетди, қиш келган экан, дилдираб тош қотди, унда соғинчинг. Тақдир зарбалари бунчалар заранг, Томирлар музлаган... жилмаясан жим! Кўксимдан оҳиста эриб тушар муз, сирғалиб тўкилар соғинч захраси.... Мангу ошингман, Сени, қорақўз — Қалбимда Ёр Ишқин битта зарраси! Оҳиста қўлимдан тутасан, қайноқ, кафтинг ҳис этаман, бўртади ҳовур. Тафтингдан қон кўпчир... Сени, о, Ишқим — Шундай севажамкан қиёмат довр!..

Билмасдан адашиб қоламан, Қуюқ сочларингни қоронғусида, Ахтариб, йўл излаб толаман, Тим қора кўзларингнинг ёғдусида. Сочларинг чирмайди қўлимни, Айёғим бўйсунмас ўзимга. Гулобга чинташна бодапарастдек, маст бўлиб боқаман юзингга. Ой тиккада, бизга зарларин сочар, Кўз ўнгини қуршар кўримсиз туман. Кўксимни чангаллаб қўлқиб олади — Сочинг соясидан чиққан ёсуман... Ишқ — Яратган эгамнинг нафис хилқати, Ишқни.... қиқирлаб кулган гўдак ҳам билар... Бедорман.... кўзимда ёрнинг сурати, Ой аста энқашиб юзимни силар.

Гулруҳ ХУДОЁРОВА



Қадамлари оғир мардларми тоғлар, Кўксимдаги майда дардларми тоғлар. Ёхд киприқдаги гардларми тоғлар? Тоғлар кўҳна эрур, саволлар кўҳна, Тоғлар ёнига бор, ёнимга қайтма.

Тил биларлар кўлдир, дил билар қайда? Чол-кампир яшаган кулбалар қайда? Мендайин, мендайин телбалар қайда?

Кулбалар кўҳнадир, телбалар кўҳна, Соғлар ёнига бор, ёнимга қайтма.

Мендан минг йил аввал тугилган дардлар, Ҳиссизлар қалбидан қувилган дардлар, Қабрман. Ичимга қўмилган дардлар Дил қадар кўҳнадир, ишқ қадар кўҳна, Бахтлар қонига бор, ёнимга қайтма.

Номарднинг тилида мунгайган сўзлар, Китоблар қатида сарғайган сўзлар, Жимликдан, жимликдан улғайган сўзлар, Нақадар кўҳнадир, нақадар кўҳна, Гар ишқдан сўзласанг ёнимга қайтма. Жим бўлгин! Жим бўлгин! Севдим деб айтма!

Энди ўзим менмасман, Энди тамом бошқаман. Мен телбаман, дайдиман. Мен ўт-ўлан, майсаман. Чўпонлар таёғини Чертиб шеърлар айтаман. Энди елкам тоғ менинг Кўёшни елкалайман. Майли, деманг соғ мени Тўпроқни эркалайман, Япроқни эркалайман, Қийноқни эркалайман. Ичимдаги ул оташ Титроқни эркалайман.

Энди ўзим йўлману, Энди ўзим йўлчиман. Энди ўзим ёвману, Энди ўзим элчиман. Энди мени изласанг, Энди мени сўрасанг, Энди мени Алпомиш Тушларида кўради. Адо бўлган, қулаган, Юраккина нураган. Энди менга қалдирғоч Юрак кўриб беради. Ўшангача дайдисам, Ўшангача қайтмасам, Ўшангача ранжима, Гар номингни айтмасам. Чунки сенга сўйлаш-чун,

Чунки сени қуйлаш-чун, Юрагиму йймоним Бўлиши керак бутун. Унғача қуйлолмайман, Унғача сўйлолмайман, Унғача номингни ҳам Хотиржам ўйлолмайман. Мен унғача телбаман, Мен унғача дайдиман. Мен унғача ўт-ўлан, Мен унғача майсаман. Юрагим бут бўлган кун Онам дея айтаман, Отам дея айтаман, Юрагим бут бўлган кун Ватан дея айтаман! Ватан дея айтаман!

Рахшона АҲМЕДОВА



Гул дўқонига ишга кирганимга икки ҳафта бўлди. «Ўғил бола бўлсанг, гул дўқонида нима бор», демоқчимсиз? Гул дўқонининг эгаси ҳам худди шундай фикрда. Сўхбатга келган куним, у: «Ўғил бола деган гуллар орасида ўралашиб юрмай, билагини пиштадиган меҳнат қилгани яхши эмасми?» деб сўради. У ҳақ, бироқ менга гуллар ёқади. Ўғил бола бўлсам-да, болалигимдан гул шайдосиман. Тенгдошларим тўп тепиб юрган пайт мен гулзор ичра кезардим. Гоҳо капалақнинг, гоҳо ниначининг ортидан югуриб юардим. Бу машғулот менга тўп тепишдан кўра минг чандон қизиқарлироқ туюларди. Кейин гуллар ҳаётининг мазмунига айланди. — Дада, бу гулнинг номи нима? — Ойи, бу гулни нима дейишарди? Катталардан гуллар номини сўраганим сўраган эди. Бироқ катталар ҳам гоҳи жавоб беролмай қолишарди. — Билмасам, ўғлим, гулга ўхшаган гул-да...

Мактаб кутубхоначиси ёрдам берди. Карл Линнейнинг «Ўсимликлар орузси» ва яна бир талай китобларни ўқиб тугатдим. Гуллар соат ўрнини босиши мумкин, ҳа-ҳа. Гуллар гапирди десам ишонмасиз, эҳтимол. Лекин бу — ҳақиқат! Гул тилини тушуна бошлаганимда ўн беш ёшга киргандим.

Мисол учун, мойчечак ёшлик рамзи, чиннигул эса, биринчи севги ва эҳтиросдан сўзлайди. Сарик чиннигуллар: «Сиз мени хафа қилдингиз» деб гина қилаётгандек, пушти чиннигуллар эса. «Мен сизни ҳеч қачон унутмайман», дейди. Қўнгул нафислик рамзи, унда яширин бир ният, пўнҳона туйғу мужассам. Оқ қўнгул эса,

«Мен сени кўпроқ севаман», деяётгандек. Оқ сўмбўл: «Сиз гўзалсиз», дейди, сариғи эса ҳасаддан сўзлайди. Ясмин севилганлар гули. Қуманжир сабр-бардошини англатади, хризантема япончада кўёш дегани, қала эса ҳавас ва ҳурмат рамзи. Оқ камелиялар «Сиз ажойибсиз» дейди, пуштиги: «Сизни соғиндим», кўнгирикгул: «Доим сиз ҳақингизда ўйлайман, нега мени қийнайсиз?» деб йиғлаётгандек. Мимозанинг туйғулари яширин, эҳтимол, шу учун ҳам уни «уятчан» дейишар. Орхидеялар: «Сиз жуда-жуда гўзалсиз» деса, полалар муҳаббат изҳор қилиб: «Сиз мен учун азизсиз» деяётгандек.

Дунёда гуллар кўп. Гуллар орқали инсон ўз севгисини ёки ҳурматини билдириши мумкин. Гуллар бизга кўп фикрлар айтади, бироқ уларни эшитмаймиз. Гуллар аслида, одамларнинг бир-бирини тушуниб олиши ва ҳис-туйғуларини эътироф этишига ёрдам бериш учун яралган. Гул дўқонимиз гавжум кўчалардан бирида жойлашган. Олдида ҳар куни сон-саноксиз одамлар ўтиб қайтади. Кимдир гулларга эътибор қилади, кимдир беларво ўтади. Гулларга ҳавас билан боқиб, сўнг йўлида хушнуд давом этадиганлар қанча! Гул сотиб оладигандан кўра, уни томоша қиладиганлар кўпроқ, десам тўғри бўлади. Шунинг учун дўқон олдида тўхтайдиганларга унча парво қилмайман.

— Бу гулдастангиз қанча? — кўнгирикдек овоз ҳаёлимни бўлди. — Ўн саккиз минг, арзон қилиб бераман. — Нима деб ўйлайсиз, синглимга бермоқчийдим, бўлармикан? — ўйланди қиз. — Нега бўлмас экан, — қулдим.

Унинг юзларида ҳам табассум жилоланди. Унга сўқланиб қарадим. У жуда чиройли, майсалар орасидаги бир дона лолақизғалдоқни эслатади. Қоп-қора кўзларида қувонч учқуни порлар, қалби муҳаббатта лиммо-лимдек туюларди менга. Исмини сўрадим, яна жилмайди, бироқ айтмади.

У гулдастани қўлига олганда қалбим шодланди. Сўнг у кетди, ортидан маънос қараб қолдим. Яна келармикан, дея ўйладим. Унга гуллар ҳақида гапириб бергим келди. Кейин эса, ишга чалғидим.

Гулдаста яшаш кишидан алоҳида диққат ва зук-қолик талаб этади, баъзан қўлим қўлимга тегмайди.

Кимдир онасига, яна кимдир севгилисига гул олгани келади. Бунда ранглар уйғунлигига эътибор бераман.

Пушти ранг нозик ҳис туйғуларни англатади, у ҳатто севги изҳори бўлиши мумкин. Қизил ранг ҳаётни севиб дегани, бинафшаранг камтарлик рамзи, яхши хотиралар ва садоқатдан сўзлайди. Шу рангдаги гуллар орқали сиз дўст эканингизни, қўлаб-қувватлашингизни айтишингиз мумкин. Мовий ва қўқ рангли гуллар эса соғинчдан сўзлайди, тўқ сариғи ғурур рамзи. Оқ эса вафони англатади, дўстлик ришталарига ишора қилади, баъзан.

Болаларга ёрқин ва қувноқ оҳангда сўзловчи майда ва нозик гуллар тақдим этган маъқул. Катта ёшли аёллар учун тез сўлиб қоладиган гулларни тавсия эт-

ИЗҲОР

майман, ёш қизларга эса ёрқин, қизил рангли гуллар бериш одатий эмас. Эркақлар учун гулдасталарда шакл ва чизиклар сезилиши керак, аёллар гулдаста-си эса, аксинча, юмалоқ шаклга эга бўлгани маъқул.

Гуллар ҳақида билганларим кўп. Бироқ мен каби гулга қизиқувчилар кам. Ҳаётда шундай бир инсонни учратсаму у билан умр бўйи фақат гуллар ҳақида сўзлашсам дейман.

Байрам олди одам кўп келади. Бироқ негадир шанба кунлари дўкон харидор кутиб маҳтал бўлади. Йўл қарайман, ўша кунги қиз ўтиб қолармикан, деб ўйлайман. Унинг юз-кўзлари ҳаёлимда жонланади, қайсидир гулга ўхшатаман. Йўқ-йўқ, у гуллардан-да гўзал. Дўкон ичига тўлган ҳар турли гулларнинг хушбўй ҳидидан унинг бўйини излайман. Йўқ, унинг бўйи ҳеч бир гулнинг бўйига ўхшамайди. Кейин эса, соғинч билан ҳўрсинаман.

— Бу гулнинг номи нима? — кўча шовқини орасидан яна ўша кўнгирикдек овозни эшитгандек бўлдим-му “ялт” этиб қарадим.

— Сиз? — ҳайратдан қотиб қолганимни ўзим ҳам сезмабман. Тилим айланмасди. Гапирай дейману ҳеч сўз тополмайман. — Яхшимисиз? — жилмайди у.

— Раҳмат, — дедим зўрға. Бироқ кўзимни узолмасдим. Унга термугланча турардим.

У гулларни бирма-бир томоша қилди, завқланиб баъзиларини ҳидлаб ҳам кўрди.

— Гулларни яхши кўрасизми? — тутилиб сўрадим.

— Ҳа, жуда яхши кўраман, уларга қараб одамнинг кўзи қувнади, — деди у синиқ жилмайиб. Бу гал кўзлариди ғам қуйқалари чўкиб қолгандек туюлди.

Гуллар одам танлайди, ўзига яқинлашган инсоннинг қанақалигига қараб муносабат кўрсатади. Ҳаёлимда уни ҳатто гуллар ҳам яхши кўриб қолганди. Мен бахтимни топган эдим.

— Тўғри, — дедим шошиб. Сўнг унга гуллар ҳақида гапира кетдим. У нозик бармоқлари билан гулбарглари силар, ҳар-ҳар замон бош силкитиб қўяр, худди жон қўлоғи билан тинглади.

— Майли, яхши қолинг, — деди у пича фурсат утиб.

— Гулларни соғинсангиз, яна келинг, — дедим мен. Сўнг у кетди. Ортидан қараб қолавердим.

Гул совға қилсам бўлмасмиди? Шунчалар гўл, содда эканимни кейин тушундим. Ўзимни койидим. Яна неча кунлар ўтди, билмайман. Мен уни интиқ кутардим. Ҳаёлиму ҳолим паршон, энди гуллардан ҳам кўпроқ мени ўша қиз ўйлантирарди.

Эрта-кеч уни ўйлайман. Энди ўша қиз ҳақида гапиргим келади. У ҳақида сўзлашсам, дейман. Бироқ «У энди келмаса керак» дея умидим кундан кун сўниб боради.

Гуллар минг йиллардан бери ошдиқларнинг дил изҳори бўлиб келган. Улар ошдиқларнинг мураккаб руҳий кечинмаларини ифодалашга ёрдам берган. Ишонасизми, баъзан хатлар ўрнига гуллар юборилган. Сўмбулга қараб учрашув кучи тайин қилинган. Гулчалар сонига қараб учрашув соати белгиланган.

Қани энди яна бир бор келса, дейман. Ўзимча унга гулдасталар ҳозирлайман. Ранглари чин танлайман. Бир дона гул эътибор белгиси, учта бўлса, ҳурматни англатади, бештаси иқдорлик, еттитаси севги рамзи. Гулдастадаги гуллар сони жуда муҳим. Ўн дона гул «Сиз учун нимадир қилсам дедим»,

дегани. Ўн биттаси дўстлик, ўн иккитаси «Албатта, ҳаммаси яхши бўлади», дейди. Ўн уч эса, нафрат белгиси. Ўн бештаси миннатдорлик.

— Бу гулдастангиз қанча? Бошқа мижоз билан банд эдим. Бироқ дарров танидим.

— Сиз учун белул, — дедим. У жилмайди. — Йўқ, айтинг.

Айтдим. У кичкина сумкачасидан пул олиб узатди. — Шу гулдаста бўлармикан? Онам учун, — деди.

— Нега бўлмасин? Сўнг унга энг чиройли гуллардан гулдаста ясаб бердим.

— Бу нима учун? — деди у ҳайрон боқиб. — Гузал табассумингиз учун, — дедим.

У олмади. Ялиниб ёлвордим. Олмасангиз хафа бўламан, дедим. У жилмайди, гўзал эди, ҳатто табассуми ҳам. Сўнг кетди. Ортидан қараб қолавердим. Нега исмини, яшаш жойини сўрамадим? Ўзимни койидим. Дўқонни ташлаб ортидан боргим келди. Бироқ... Кутардим: «У яна келади». Энди кеча-кўндуз уни ўйлардим. Гуллар орқали ҳис-туйғуларингиз, шу кунгача яширган гап-сўзларингизни билдирсангиз бўлади. Мен унга бериб юборган гулдаста орқали дил изҳоримни айтгандим. «Уни севиб қолганимни, унга муқтож эканимни, усиз ҳаётимда мазмун йўқолаётганим...»

Уни телбаларча кутар, йўлларига муштоқ эдим. Яна бир марта келса, бошқа қўйиб юбормайман, гуллардан кечиб уни танлайман, дегандим. Бироқ негадир у келмади. Уни узоқ йиллар кутдим. Билмадим, неча кун, неча ой, неча йил ўтди...

Бугун ўша гул дўқонининг ҳўжайиниман. Бироқ аввалгидек эмас, бу ҳаётга, гулларга қизиқишим сўнган. Дунёдан бош олиб кетай дедим, гулларга муҳаббатим мени қўйиб юбормади, қолаверса, ҳамон ўша қизни кутаяман. Балки у гуллар тилини тушунам, балки дил изҳоримни англамагандир?..

Лекин энди гул дўқоним тепасига катта ҳарфлар билан ёзиб қўйганман: «Бир-бирингизга гуллар ҳада этиб туринг. Одамлар гулларнинг тилини унутиб қўймасин».

БИР ҒАЗАЛ ТАҲЛИЛИ

Улуғ сўз даҳоси кашф этган бадияят хазинасидан бахрамандлик завқи, лаззати ҳаммага ҳам nasib этивермайд. Гоҳида шоир тасвиридаги бекиёс ифода назокати, турфа туйғулар, чуқур инсоний дард, ситам ёхуд ишқий кечинмалар изтиробни зукко ғазалхон шуурида онг илғамас ҳиссиётлар, ҳаяжонлар, онги ва тафакурида эса кутилмаган фикр, таассуротлар пайдо қилади. Мияда чарх урган ҳақиқат ҳайратлари улуғ даҳо қаршисида нақадар ожизлигини пинҳон суратда англатади. Қатор манбалар: афсона ва ривоятлар қатига назар ташлайсиз. Қуръон ва ҳадис тафсирилари, Навоийнинг ижодий лабораториясида мавжуд манбаларнинг туб илдизи, асосий ғояси, ирфон ҳақиқатлари, турли хил лугатлар қувватидан илҳом ва завқ оласиз. Сўзнинг маъно қирраларини турли мушоҳада тарозисига тортасиз. Улуғ Навоийни шундай сўзлатган ва бўзлатган ўн бешинчи аср тарихий-адабий муҳит дунёсига ҳаёлан сайр қиласиз.

**Ошиқ ўлдум панд берманг —
чорам асбобин тузунг,
Ишқ зор этганга зулм этманг —
тараҳхум кўргузунг.**

Шоирнинг ишқ йўлига киргани тушунарли. Энди уни бу йўлдан панд бериш орқали қайтариб бўлмайди. Яхши-си, унинг «чора асбоби»ни тузмок, дардига малҳам бўлмок керак. Ишқ аҳли эса зулм кўрсатишдан бошқага ярамайди.

**Эйки, дерсиз ишқ аро сабринг уйин обод қил,
Мундоқ этгунча, ҳаётим қасри бунёдин бузунг.
Сарвинозимким борур кўз боғидин, қилмон қабул,
Гар анинг ўрнида тубо нахлини ўлтургузунг.**

Ошиқнинг дарди, ситами, нола-фарёди оғушидан сизиб чиққан мазкур илтижо ва афсус надомат нидоси унинг маъшуқа васлига эришиши учун ҳар қандай зулм ва шафқатсизликка бардош беришини тақозо этади. Шунинг учун лирик қаҳрамон «сабр уйин обод қилиш» истагидан анча йироқ. Унга «сабр эт» дегандан кўра, жонини олаверинг. Бунга ўзи иқдор бўлапти: «Мундоқ этгунча, ҳаётим қасри бунёдин бузунг».

Кейинги байтда ошиқ маъшуқасини сарв қоматиға менгзаш йўли билан уни жаннат дарахтидан ҳам устун

кўймоқда. Негаки, сарв ўз қадди қомати билан маъшуқага яқин, чинакам ошиқ учун у жаннат дарахтидан ҳам афзал:

**Онсизин, эй дўстлар, не захру не оби ҳаёт,
Ким мусовидур менга гар ўлтуринг, гар тиргузунг.
Гар ажал тургузмади жисмиини ул ой кўйида,
Дўстлар, наъшимни боре онда бир дам тургузунг.**

Ошиқ қалбида ишқ шу қадар баланд туғён урадики, у маъшуқа васлидан маҳрум қилинса, тирикликнинг аччиқ ёки чучук томонлари билан ҳисоблашмайди. Яъни у

ИФОДА НАЗОКАТИ



маъшуқа билан бирга эмас экан, унинг учун фонийлик ва боқийлик ўртасида заррача тафовут йўқ. Шу боис лирик қаҳрамон «бешафқат ажал умримга зомин бўлса, наъш(то-бут)имни маъшуқа хузурига бир дам қўйинг, зора ошиқ қалбим фақат уни деб ҳаракатдан тўхтаганини билсин», демокда. Ишқда сидқи-содиқлик висол онларига кафолат

белгисидир. Навоий сидқи-содиқликда шарқ ошиқларига юксак ибрат намунасини кўрсатган. Юқоридаги байтлар шу даъво исботи:

**Дурд келтурдунг дебон ёзғурмангиз, эй аҳли ишқ,
Бок йўқ зухдим ридоси кунжиги солиб сузунг.**

Дурд — мумтоз адабиётда майнинг қўйқасини ифода-лайди. Ишқ аҳли илоҳий май лаззатидан ҳаммаша бахрамандлик эвазига ўзларини голиб ва эркин ҳис қиладилар. Шоир яна ҳаммаслақларига мурожаат қилиб, ўзини май қолдигини келтирганликда айбламасликларини сўраяпти. Байтнинг иккинчи мисрасида эса ушбу қўйқа номақбул бўлса, уни зухдим ридоси (тақво суви)га солиб сузинг, дея ўз айбига иқрорлик ҳисси бор. Мақтаб:

**Чун Навоий кўнглини қилди гириҳ бир тори зулф,
Дўстлар, сарриштайи умидни ондин узунг.**

Навоий бу ўринда дўстларга сўнгги бор мурожаат қилиб, ўзининг ошиқ кўнглида ёр зулфи билан боғлиқ бир тугун (бу рамзий ифода сифатида ошиқнинг адоқсиз армонларини билдиради) мавжудлигини, ана шу тугундан «умид ипини узинг» дейиш билан барча орзу-истакларининг амалий интиҳосига умид боғлайди.

Шоир қаламида ошиқ жисми-сурати андак ҳорғин, андак вазмин, руҳий дунёси ҳам ишқ изтиробларидан толиққан, афтодаҳол кайфият белгиси сифатида таассурот пайдо қилади. Бироқ, ўзини буткул ожиз ҳисобламайди. У бу йўлда яна қанча азоб, машаққат синовлари бўлмасин, бир сония бўлса-да, олдинга, висол гўшасига интилаваради.

Ғазалнинг ҳар бир байти, мисраси, образ ва тимсоллар дунёси унга ошурфта ҳар қандай ғазалхонни, айниқса, мумтоз адабиёт шинавандасини ром қилади. Унда барча сўз ёхуд образ поэтик қамров тақомили билан ўқувчини беҳад кенгликларга, юксакликларга чиқариб қўяди. Афсуски, улуғ даҳо фикру даъвосини барча мураккабликлари билан илғаш, идрок этиш, айниқса таҳлил қилишга мунаққиднинг илмий назарий қуввати шоир салоҳияти олдида қўл ҳолларда ожиз қолади. Бошқача айтганда, Навоий ошурфтаси унинг «коса»сини қўриб ҳайратга тушади, «ним коса»ни эса тасаввурига сиғдириолмайди. Навоийни юксак жаҳоний мавқега кўтарган омиллардан бири, эҳтимол, шу бўлса керак.

**Абдураҳмон ПИРИМҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди**

АДИБ ВА МАЪНАВИЯТ
ТАРҒИБОТЧИСИ

Албатта, бу таърифни ҳар қандай ижодкорга нисбатан бериб бўлмайди. Айниқса, пойтахтдан олис вилоятнинг чекка туманида яшаб ижод қилаётган одамга. Не тонги, Қашқадарёнинг Ғузорида қирқ йилдан буюн шеър, ҳикоя, қисса, роман, қатор бадиялар ёзиб, республикамизнинг турли адабий нашрларида чоп этириб келаётган ижодкорни, чиндан ҳам, кам учратасиз. Бир қарасангиз газетада, бир қарасангиз журналда унинг эссе ёки қиссаси босилганини кўрасиз. Мабодро бирор-бир мавзуда мақола айтилган бўлса, муҳлатида муҳайё қилади. Камина ижодкорнинг ушбу фазилатини қўп кузатдим ва камтарлик, кенг тафаккурга эга публицистлигига қойил бўлдим.

Бу инсон кўпда адабий давраларга аралашавермайдиган таниқли ижодкор Акмал Саййиддир. Акмалхон акани айнан қачон таниганимни эслолмайман, аммо ижодкор, ёзувчи, публицист сифатида аззалан танийдигандекман.

Сир эмас, бу ёшдаги, яна айнан қишлоқда умғуззорлик қилиб, аввал бир-икки нарса қоралаб, сўнг замона зайлига мослашиб, ижоддан ҳафсаласи пир бўлганларни ҳам кўрдик. Лекин Акмалхон ака ижодга содиқ қолди. Аввал

“Илҳом азоби” шеърый тўплами, “Мольберт кўзлари”, “Ой тўлган тунда” номли қиссалар, “Таважжух кунин”, “Жаннати аёллар” тўпламларини чоп этиргича, икки катта романи қўлдан чиқарди, уларни ҳафсала билан нашрга тайёрлаб қўйди. “Икки соҳил қўшиғи” романига ўзим тақриз битиб эдим. Бу асар бўл-

тур “Янги Ўзбекистон” нашриётида чоп этилди. Тагин бир йирик романи “Дарайқул соҳиллари”, деб номланган.

Роман ёзмок ким учундир шунчаки ҳавас, осонгина қўлига қалам олиб, сарлавҳа қўяр-да, ёзиб кетаверар. Аммо чин ёзувчи учун завқ билан бирга машаққатнинг ўзгинасидир. Воқеалар, персонажлар, давр, муҳит тизгинини қўлга олиб, уни бошқарган инсон асли санъаткордир. Биз таърифлаётган ижодкорнинг асли касби педагог, халқ таълимидаги масъулиятли вазифалар эса, эмин-эркин ижод қилишга вақт қолдирмайди. Лекин ушбу юмушлардан ортиб ижодни эплаштирганга, муносиб ижод қилганга раҳмат айтсак арзийди.

Мен бу ўринда Акмалхон аканинг ижоди хусусида батафсил тўхталмокчи эмасман. Фақат кутлуг оптимиш ёшга тўлгани билан акамизнинг юбилеи бор дейиши каминани сергак торттирди. Бир чеккада туриб кутлаб, шу сўзларни айтгим келди. Акмалхон ака фарзандлар ҳузур-ҳаловатини қўриб, илҳомга тўлиб ижод қилаверсин.

**Собир ЎНАР,
ёзувчи**

МУСИҚА САНЪАТИ
ДАРГОҲИДА

Санъатлар орасида алоҳида ўрин тутувчи муסיқа ҳар бир миллат ва элат учун тушунарлидир. Чунки унда инсон юрагининг қат-қатларига етиб борувчи оҳанг ҳукмронлик қилади. Композиторлар ва бастакорлар эса ана шу оҳангларни уйғунлаштириб, маълум шакл бахш этадилар. Ўзбекистон Республикаси санъат ароби, Давлат мукофоти совриндори, ўзбек композиторлик мактабининг ёрқин намояндаларидан бири профессор Рустам Абдуллаев оҳанг ила инсонлар қалбини забт этиб келаётган санъаткордан бири.



Сермазмун ижоди давомида турли жанрларда самарали ижод қилган Р.Абдуллаев беш юздан зиёд асар яратди. Улар орасида опера, балет спектакллари, вокал симфоник асарлар, симфоник поэмалар, концертлар, «Хиросима фарёди», «Ҳижрон», «Баҳор», «Қалб ҳайқириғи» каби вокал туркумлар, юздан зиёд қўшиқ ва романслар, хор асарлари, болалар учун ёзилган қўшиқлар бор. Асарларида қўлланган халқ қуйлари ва оҳанглари, чолғулаштиришда эришилган ютуқлар, концерт жўшқинлиғи уларнинг муваффақиятини таъминлади. Нафақат композитор, балки моҳир пианиночи бўлган Р.Абдуллаев чет элларда фортепиано концертлари ва пьесаларининг биринчи ижросиси сифатида кенг танилди. Жанубий Корея, Таиланд, Вьетнам, Грузия, Швеция, Туркия, АҚШ, Германия, МДХ давлатларида ўтказилган нуфузли фестивалларда, концерт дастурларида Ўзбекистон композиторлик ва ижрочилик мактабини муносиб тарзда намойиш этди.

Муסיқали сахна асарлари композитор ижодида алоҳида ўрин тутади. Опера ва балет жанрига XX асрнинг охириг чорагидан бошлаб мурожаат қилган устоз сара асарлар яратди. 1979 йили Эркин Самандаров асари асосида режиссёр Георгий Геловани либреттосига “Шодимулк”, 1981 йили Омон Матжон асари асосида “Садоқат” операларини яратди. Мазкур опералар ўша йили Самарқанд опера ва балет театрида сахналаштирилиб, катта муваффақият қозонди. Кейинчалик композиторнинг Улмас Умарбеков асари асосида Аҳмаджон Раҳимов либреттосига ёзилган “Қўёшга таъзим” балет-ораторияси, Эркин Самандаров ва Ферудин Сафаров либреттоси асосида ёзилган “Хива” операси сахналаштирилди. Муаллифлар мазкур асарларда муסיқа, сахна драматургияси ва рақс орқали узоқ ва яқин тарих воқеаларини, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, қувонч ва қайғу, муҳаббат ва садоқатни кенг очиб бердилар.

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия таваллудининг 100 йиллиғи муносабати билан 2015 йили композиторнинг “Садоқат” операси Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида янгича талқинда қайта сахналаштирилди. Асар либреттоси Ферудин Сафаров томонидан қайта ишланди. Композиторнинг бетакорор муסיқаси, оркестр чолғулари, қаҳрамонларнинг овоз имкониятларидан ва ижро маҳоратларидан унумли фойдалангани, драматургиянинг пухта ишлангани туфайли бу опера қайта-қайта намойиш этилди, муסיқа шинавандалари ва жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Шундан сўнг композитор бирин-кетин “Виждон” (Андрей Слоним либреттоси) камер операсини, Мухаммад Алининг роман асосида “Сохибқирон” монооперасини яратди. Мазкур асари билан Рустам Абдуллаев Ўзбекистонда биринчи бўлиб моноопера жанрида ижод қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни кунларда композиторнинг “Жалолитдин Мангуберди” балетини сахналаштириш ишлари бошлаб юборилган. Апрель ойида Ўзбекистон давлат консерваториясида композиторнинг янги асарларидан иборат муаллифлик концерти ўтказилиши режалаштирилган. Дастурда композиторнинг “Хоразм оҳанглари” икки қисмили монументал хореографик сюитаси муסיқа шинавандалари эҳтиборига ҳавола этилади.

Р.Абдуллаевнинг Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси сифатида олиб бораётган ишлари, Ўзбекистон давлат консерваториясидаги педагогик фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ. Ватан равнақи йўлида хизмат қилиш, шижоат, қўзланган мақсад сари дадил интилиш каби хислатлари ижодкорнинг халқимиз ўрматини қозонишига, композиторлар, бастакорлар ва муסיқашуносларга бош бўлиб, профессионал муסיқа санъатини янги поғоналарга кўтаришда муносиб хисса қўшилишига асос бўлди.

**Муҳайё НАБИЕВА,
муסיқашунос**

Кўплаб бахши шоирларнинг қадрдон гўшаси, Эргаш шоир дунёга келган Кўрғон халқи орасида “Жумабой бободан не қолди, уйум-уйум тош қолди”, деган айтим бор. Айтишларича, Жумабой бобо деган бир авлиё киши ўтган. У даладаги тошларни қўшчининг омочиға халақит бермасин, деб чет-четга уйиб кетган, элни ўйлаб холис хизмат қилган. Эл ҳам унинг бу хайрли ишини унутмай шу айтимни яратган экан. Ҳозир ҳам кимдир эл-юрт учун бирор холис юмуш қилса, мана шу айтим кишилар тилида айланади.

Филология фанлари доктори, профессор Сафарбой Рўзимбоевдан биз авлодларга қандай мерос қолди? Аввало, бу олимнинг ўзбек фольклоршунослиғи ривожига қўшган муносиб ҳиссасини таъкидлаш жоиз. У зот томонидан амалга оширилган ишларни қуйидаги тарзда таснифлагим келади: 1. Ўзбек, умуман, умумтуркий фольклор, хусусан, Хоразм фольклори юзасидан амалга оширган

да бу хайрли ишлар амалга оширилади. Чунки бир олимни хотирлаш билан бирга биз ўзимиз мансуб ҳудуд ва бутун миллат тарихини ёдлаган, келажақ авлодга намуна кўрсатган бўламиз.

Сафарбой Рўзимбоевнинг Хоразм “Гўрўғли” туркумидаги дostonлар ҳамда

ЙИРИК ГЎРЎҒЛИШУНОС ЭДИ



тадқиқотлари; 2. Хоразм фольклори намуналарини ёзиб олгани, турли қўлёзма ва бошқа фольклор манбаларини аниқлаб, топиб, табибл этгани, фольклор архивининг бойишига хизмат қилгани; 3. Фольклор намуналарини, қумладан, Хоразм халқ дostonлари ва бошқа асарларни нашр этгани, сўзбоши ва изоҳлар билан таъминлагани; 4. Бадий ижоди; Хоразмнинг яқин тарихи, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср аввали воқеаларидан ҳикоя қилувчи уч жилдлик роман ва бошқа асарлар яратгани; 5. Шогирдлар етиштириб, ўзига хос мактаб яратгани.

Сафарбой оғанинг мазкур йўналишлардаги фаолияти ҳақида алоҳида тадқиқотлар, мақолалар, китоблар ёзиш, ҳужжатли фильм, телекўрсатувлар ва радиокўрсатувлар тайёрлаш мумкин. Албатта, келажақ-

халфа, бахшилар ижоди тадқиқиға оид илмий мероси фольклоршунослигимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Домланинг тадқиқотлари, манбалар наشري асосида амалга оширган ишлари энди-энди ўз ўрнини топмокда. Олим яшаган давр аъъанавий дoston ижрочилигининг сўнгги вакиллари яшаб ўтган давр билан янги ижрочилар шаклланиб келаётган замонни боғловчи халқа ҳисобланади. Шу боис, Сафарбой оға келтирган маълумотларнинг илмий, назарий қиммати муҳим.

Фольклоршуносларимизнинг таъкидлашича, “Гўрўғли” туркумидаги дostonлар ўзбек халқи орасида бир-биридан принципиал равишда фарқ қилувчи икки версияда тарқалган, улардан бири Хоразм версиясидир. Хоразм “Гўрўғли” дostonлари туркман версиясига жуда



ўхшаш, озарбайжон “Кўрўғли”сига анча яқин. Ўзбекистоннинг бошқа ерларида тарқалган “Гўрўғли” дostonлари эса, алоҳида бир мустақил версияни ташкил этиб, ҳажман кенглиги, монументаллиги билан ажралиб туриши айтилади (Т.Мирзаяев). Фольклоршуносликда алоҳида ўрин тутган “Гўрўғли” туркумидаги дostonларнинг Хоразм версияларини кенг омма ва илмий жамоатчиликка танитиш Ҳоди Зариф ва Б.Каримий томонидан XX асрнинг ўттизинчи йилларда бошланган. Кейинчалик, эллингичи йилларда Ф.Султонова, Ж.Қобулниёзов, Н.Собуров бир қанча дostonларни ёзиб олиб, нашр эттиришган. Сафарбой Рўзимбоев эса ўз тадқиқотлари ва нашрлари орқали Хоразм эпик ижоди намуналари, ижрочилари, уларнинг таркиби ва бадияти бора-сида салмокли мерос қолдирди.

Эл орасида Хоразм “Гўрўғли” дostonлари қадимда қирқ дostonдан иборат бўлган, деган гап-сўз юрса-да, уларнинг барчаси сақланиб қолмаган. Сафарбой Рўзимбоевга бўлган тадқиқотларда эпоснинг 18 шохобчаси ҳақида умумий маълумотлар берилган. С.Рўзимбоев эса Хоразм “Гўрўғли” дostonларининг 20 шохобчаси ҳақида тула маълумот бериб, ўзигача етиб келган дostonларни биринчилардан бўлиб илмий таҳлил қилган.

С.Рўзимбоев ижодида Х.Рўзимбоев билан ҳаммуаллифликдаги “Хоразм “Гўрўғли” эпоси” монографияси қимматли фикрлар, маълумотларга бойлиғи билан ажралиб туради. Монографиянинг

барча боб ва қисмлари алоҳида-алоҳида тадқиқотларга мавзу бўлиб хизмат қилади. Хусусан, китобдан кенг ўрин олган “Эпоснинг генезиси, ижодий эволюцияси, вариантлари ва ижрочилари”, “Хоразм “Гўрўғли”си ва ўғуз архаик эпоси”, “Эпоснинг Хоразмда тарқалган ёзма нусхалари ва вариантлари”, “Хоразм дostonларининг ижрочилари”, “Гўрўғли” эпосидаги мифологик қатлам” мавзулари янги тадқиқотларга асос бўлиши мумкин. Айниқса, “Гўрўғли” эпосидаги жой номлари, бадий қаҳрамонлар — хотин-қизлар, эркаклар ҳамда эпосда иштирок этувчи ҳомийлар, тарихий шахслар исмлари, ҳайвон ва қушлар номларига оид бўлимлар диққатга сазовор.

Муаллифлар дoston генезиси ҳақида ёзар экан, “Гўрўғли” эпоси туркман уруғларининг Кавказорти ва Эрон ҳудудлари орасида кўчиб юришлари асносида дастлаб Хоразм воҳасига кенг ёйилган, дostonнинг сўнгги тадрижий ривожланиш босқичлари XII — XIII асрларда яшаган Ўғуржик алп номи ва фаолияти билан бевосита боғлиқ, деган хулосага келадики, бу ўзига хос, янги изланишларга ундайди. Бундай фикр-мулоҳазалар ва хулосалар Сафарбой оғанинг издошларига ўнлаб янги мавзулар беради. Шунинг ўзиёқ Сафарбой Рўзимбоев номи фольклоршунослигимиз тарихига катта ҳарфлар билан ёзилишга муносиб эканидан далолат беради.

**Шомирза ТУРДИМОВ,
филология фанлари доктори**

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

2022 йил 6 январда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очик суд мажлисида собиқ шўро тузуми даврида қатағон қилинган 120 нафар ватандошимизга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилинди.

Ишларни қайта кўриш жараёнида юртдошларимизга қўлланган аксар айбловлар ҳеч бир исботсиз бўлганига қарамай, тоталитар тузум жазо органлари томонидан уларга ноҳақ ҳукмлар чиқарилгани аниқланди. Жумладан, илк ишда Ўрта Осиёдаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (БДСБ) ҳайъатининг 1925 йил 4 сентябрдаги махсус йиғилиши қарорига биноан Мирза Иброҳим Исмоилов раҳбарлигида 43 нафар инсонга нисбатан турли сиёсий айбловлар

қўлланиб, мол-мулклари мусодара этилган. Улар асосан Бухоро амири Саййид Олимхон саройига яқин кишилар, куёви, амакиси, йирик диний уламолар, билимдон қозилар, таниқли савдогарлар, ҳоким ва беклар, турли даражадаги ҳарбий мулозимлар эди. Хўш, бу инсонларнинг шўро давлати олдида қандай айби бор эди?

Ҳа, уларнинг бор-йўқ айби ўз ватанини, дини ва миллатини севгани, давлати олдидаги бурчига, қасамёдига содиқлиги, аجدодлари томонидан асрлар давомида кўз қорачигидек асраб келинган қадриятларга ҳурмати, эътиқоди юксаклигида эди. Қуйида ноҳақ жазога тортилган миллатдошлардан айримларининг фаолияти ҳақида сўз юритамиз.

УЛАРНИНГ «АЙБИ»
ВАТАННИ СЕВГАНИ ЭДИ

йил Ватанга қайтишга қарор қилдилар. Файзулла Хўжаев ҳукумати дастлаб улар мулкларининг маълум қисмини қайтариб ҳам беради. Бироқ Бухоро ҳукуматининг обрўсини тўкиб, ўз мавқеини оширишни истаган большевик ҳарбийлар уларнинг барчасини жисмонан йўқ қилишга киришди.

Носирбек тўқсоба Абдурахимов 1925 йил 14 апрелда аксилинқилобий фаолиятда айбланиб қamoққа олинади. Қарийб беш ойдан ортиқ давом этган жисмоний қийноқ ва таҳқирлар остида ўтган терговлар вақтида Носирбек ўзига қўйилган айбловларнинг бирортасини тан олмади. Шунга қарамай 1925 йил 4 сентябрь куни унга ЎзССР ЖК-нинг 61-, 67-, 69-моддаларини қўллаб, 3 йилга Соловец лагерига сургунга ҳукм қилинди. Носирбек тўқсабо Абдурахимов 3 йил умрини Соловецда, яна 3 йилни Кустанадаги шўроларнинг машум қийноқхоналарида ўтказди. У 1934 йилга келибгина она шаҳри Бухорога қайтиб келишга муваффақ бўлди. Носирбек Абдурахимов бир муддат соғлиғини тиклаб олгач, Бухородаги “Ўзбекистон” меҳмонхонасига қоровул бўлиб ишга киради. Шу меҳмонхонада супурувчи бўлган Заънаб Магомедова исмли аёлга уйланиб, унинг 7 ёшли қизига ота бўлиб пешонасини силайди. Аммо гузарком, колхозчи кўринишидаги маълум НКВД хуфялари ортидан бир зум қолмади. Унинг ҳар бир сўзи, кўз қарашига ҳақида керакли идораларга тинмай етказиб туришди. Бу қауқуларга ишонадиган бўлсак, Носирбек Абдурахимов 1937 йил май ойида колхоз бозори олдидаги чойхонада “...йўқсиллар инқилоби натижасида нима ўзгарди, унга ишонган йўқсулларнинг ҳаммаси бир-бир очидан улаятти, шуми коммунизмларинг” деган, сентябрь ойида эса “...советларинг Бухорои шарифда на жой номларида, на бошқарувда ўзбек тилини умуман қолдирмапти-ку” деган эммиш. Албатта, у киши шунчалик

азоб-укубат тортганига қарамай, бу сўзларни айтган бўлиши ҳам мумкин. Чунки бир пайтлар амирликнинг масъул амалдорларидан бўлган, “Ёш бухороликлар” партиясининг миллат, халқ равнақи йўлидаги соф орзуларини қўллаб-қувватлаган Носирбек ватанда кечаётган бу тубанликларга асло бефарқ қараб тура олмас эди.

Носирбек Абдурахимов 1937 йил 15 ноябрь куни Бухоро шаҳри, Мирзо Мустафо гузаридаги 179-уйдан яна қamoққа олинади. 24 ноябрь санаси билан тўлдирилган ягона сўроқ баённомасида Носирбек ўзига нисбатан қўйилаётган барча айбловлар қуруқ тухмат эканини ёзиб имзолайди. Бироқ 1937 йил 25 ноябрь кунги айблов хулосасида Носирбек Абдурахимов “советлар бизни алдади, ҳаттоки конституциясида ҳам диний эркинлик йўқ-ку” деган, деб ёзилади. 1937 йил 28 ноябрь куни ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (ИИХК-НКВД) хузуридаги машум “учлик” йиғини унга ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси(аксилинқилобий тарғибот)ни қўллаб 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига (МТЛ) ҳукм қилади. Афсуски, Носирбек Абдурахимовнинг кейинги тақдири ҳамон бизга номаълум.

Раҳматуллахўжа Низомиддин ўғли Бухоро амирлигига узоқ йиллар садокат билан хизмат қилган амалдор хонадониди дунёга келган. Отаси Низомиддинхўжа 1873 йилдан бошлаб 30 йил давомида саройда дастлаб амир котиби, Зиёвуддин беклиги беги, сўнг Бухоро амири Қўшбеги лавозимларида ишлаган. Раҳматуллахўжа 12 ёшгача мактабда, сўнг мадрасада таҳсил олади. Сўнгра тўқсоба унвонини олиб, амир саройига хизматга киради. 1918 йили амир Олимхон унга додхоҳ унвонини бериб, Нурота тумани беги этиб тайинлайди. Раҳматулла додхоҳ 2 йил давомида Нуротада солиқ ишларига ҳам масъул бўлади. 1920 йил ёзида мамлакатга большевиклар ҳужуми туфайли уруш

Низомиддин ўғли ҳам аксилинқилобий фаолиятда айбланиб қamoққа олинади. Раҳматулла додхоҳ 1925 йил 4 сентябрда Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) қарори билан 3 йилга Соловец оролидаги лагерга ҳукм этилади. У 1927 йил 14 июнь куни дахшатли қийноқлар ортида шу ерда ҳалок бўлди.

Мирзо Фармонкул Бердимурод ўғли 1868 йил Хатирчи шаҳрида дунёга келган. Мирзо Фармонкул мадраса таҳсилни тугатгач, аввал Хатирчи беги Насруллобекка котиб, сўнг амлоқдор бўлиб ишлаган. 1901 йил Насруллобек тавсияси билан қоровулбеги лавозимида (поручик) амирнинг хизматида олинади. Мирзо Фармонкул отаси вафотидан сўнг

мироҳўр, 1917 — 1920 йилларда додхоҳ даражасигача кўтарилди. 1920 йил август ойида қизил армия билан жангда Мирзо Фармонкул додхоҳ қўшини шахсан амир ўрдаси ҳимоясига масъул этилган эди. У амирни Ёғдудовгача ҳимоя қилиб боради. Шундан сўнг қизил армияга бас келиб бўлмаслигини англагач, амирни яширин тарзда Шарқий Бухорога чиқариб юборишга қарор қилдилар. Мухаммад Аминбек додхоҳ Остонақулибек ўғли амирнинг ҳашаматли ўрдаси билан секин-аста Арк томонга чекина бошлайди. Мирзо Фармонкул додхоҳ қўшини эса ҳар тарафдан келган ёрдам кучлари билан душмани чалғитиш мақсадида гоҳ шиддатли

ҳужумга ўтар, гоҳ турли томонга тарқалиб, Хатирчи томонга чекина бошлайди. Амирни тириклай тутишга ишонган большевиклар Мирзо Фармонкул додхоҳни таъқиб этишга асосий қўшинини йўналтиради. Душмanning тузоқдалигини ва амирнинг анча тузоқлашганини сезган Мирзо Фармонкул қўшинига зудлик билан ҳар тарафга яширинишга ва кейинроқ амир ортидан Душанбеге етиб боришга буйруқ беради.

Мирзо Фармонкул 40 кун ўтиб, энг яқин одамлари билан амир Олимхоннинг олдида етиб боради. Тез орада амирнинг Душанбеда узоқ тура олмаслиги маълум бўлади. Боиси, бу ерда катта қўшин учун на озука, на бир мудофаа иншоотлари мавжуд эмасди. Қизил армиянинг чегарани ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаётгани маълум бўлгач, амир Олимхон афгон амири Омонуллахондан вақтинчалик бошпана сўрашга мажбур бўлади. Мазкур илтимоснома хатни Омонуллахонга етказиш ҳам Мирзо Фармонкул додхоҳга топширилади. У музокаралар давомида амир хавфсизлиги таъминланганидан бўлса, ёнидаги ҳарбийлар билан Афғонистонни тарк этишга сўз беради. Шундан сўнг амир Олимхон яқин инсонлари билан афгон заминига ўтишга тайёргар-

лик кўра бошлайди. Мирзо Фармонкул додхоҳ эса амирнинг шахсан рухсати билан ватанга қайтиб келади.

Фармонқули додхоҳ Бухорога келган вақтда қўлга олинди, 10 кун давомида тергов қилинади. Сўнг БХР ҳукумати томонидан Ер ишлари нозирлигида котиб лавозимида тайинланади. Бироқ бу ишни ташлаб, 1921 йилдан Хатирчига қайтиб, деҳқончилик билан машғул бўлади. 1922 йил БХР ҳукумати уни яна ишга чақириб, Каттақўрғонга амлоқдор этиб тайинлайди. 1924 йилгача шу лавозимда ишлаб, кейин Хатирчи қозисига котиб бўлади.

1925 йил 22 апрель куни Мирзо Фармонкул Бердимурод ўғли Хатирчининг Каттачек қишлоғидан қamoққа олинади. Унинг ортида турмуш ўртоғи Хадичахон, қизи Робия, ўғиллари Барот, Абдурахим, Аллақуллар қақшаб қолдилар. Фармонкул терговда ҳеч нарсани яширмайди, ўзининг амир Олимхоннинг додхоҳи бўлганини ва шу туфайли уни жон-гани билан ҳимоя қилганини, афгон амири Омонуллахон билан алоқаларда иштирок этганини, фақат унинг розилигидан сўнг Бухорога қайтиб келганини таъкидлайди. 1925 йил 4 сентябрь куни Мирзо Фармонкул Бердимурод ўғли ОГПУ йиғини томонидан 3 йилга Сибирга сургун қилинади. 1928 йил 20 апрель куни эса ҳеч бир асоссиз у яна 3 йилга жазо лагерларга кўчирилди...

Мухаммад Аминбек 1886 йил Бухоро шаҳрида Остонақул қўшбеги хонадониди дунёга келган. Мухаммад Аминбек 12 ёшгача отасининг қарамоғида мактабда ўқийди. Сўнг мадрасага кириб, 16-17 ёшларида закотчи лавозимида иш бошлайди. 1906 йил тўқсоба унвони билан Нуротага йўлланади, 1909 йил бий унвонини олиб, Зиёвуддин беклигига амлоқдор этиб тайинланади. 1915 йил додхоҳ унвонини олиб, Зиёвуддинда бош амлоқдор бўлади.

Мухаммад Аминбек Остонақул ўғли 1920 йил воқеаларида Ёғдудовгача чекиниб, ўрдаси билан амирсиз Аркка чекинган эди. Шундан сўнг бутун қўшини билан қизил армияга таслим бўлади. Ўрдада амир Олимхоннинг йўқлигини кўрган большевик кўмондонлар жазо вага тушади. Мухаммад Аминбек, отаси Остонақул қўшбеги — барчаси ЧК томонидан қamoққа олинди, икки-уч ой давомида қийноқли терговларга тортилади. 1921 йил июнда қamoқдан қутилгач, Остонақул қўшбеги БХР ҳукумати солиқ кўмитаси раиси ўринбосари, Мухаммад Аминбек эса БХР ҳукумати ушр комиссиясига кассир бўлиб хизматга олинади. Улар 1923 йилгача масъул лавозимларда ишлайди. Бироқ битта қарор билан аксар собиқ амир даври амалдорлари ишдан олинади.

1925 йил 13 апрель куни Хатирчи тумани солиқ бошқармасида ишлаб турган Мухаммад Аминбек ҳам қamoққа олинди ва 1925 йил 4 сентябрь куни ОГПУ ҳайъати қарори билан 3 йилга Соловец оролидаги концлагерга ҳукм қилинди.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

МУЛОҲАЗА

Кейинги йилларда етишиб чиқаётган актёрларда овоз қудрати, саҳна ҳаракатида эса аниқлик етишмаяпти, саҳна нутқининг раван эмаслиги, шевада сўзлаш каби нуқсонларнинг кучайиб кетаётгани спектакллар савиясининг тушиб кетишига олиб келмоқда. Бироқ мамлакатимиздаги айрим театрлар замона руҳига ва бугунги кун талабларини диддаги мос специализация яратишга уринаяпти. Масалан, Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида Чингиз Айтматовнинг “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” асари асосида (саҳналаштирувчи режиссёр – Ўзбекистон санъат арбоби М. Равшанов) спектакль яратилди. Уни саҳналаштиришда янги техник воситалардан фойдаланилган бўлса-да, оҳорли талқин, ижронинг тўқислиги, кучли режиссёрлик ечими, сценеография борасида қатор янгиликлар қилингани туфайли, ушбу саҳна асари томошабинлар эътиборини қозонди.

Шунингдек, Самарқанд вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилган Шекспирнинг “Қирол Лир” асари санъат оламида яхшигина шов-шувларга сабаб бўлди. Ушбу асарни таниқли режиссёр Валижон Умаров янгича талқинда маҳорат билан саҳнага олиб чиқди. Таъкидлаш жоизки, режиссёр кейинги йилларда саҳна имкониятларининг кенгайгани, ёрқин таассурот уйғотувчи эффектлар тури кўпайгани туфайли, дадиллик билан асосий матнни қисқартириш, баъзи ҳолларда эса бутун бир саҳналарни олиб ташлаш эвазига жуда чиройли спектакль яратишга муваффақ бўлди. Табиийки, В.Умаров технологик жиҳатдан янги усулларни ўз ўрнида маҳорат билан қўллаб билгани учун муваффақиятга эришди.

Саҳна санъатимиз ҳаётига бундан бир неча йиллар аввал кириб келган мультимедия ҳақида тўхталсак. Чунки кўп театрлар бу санъатдан фойдаланган ҳолда спектакль саҳналаштиришга уриниб кўрди. Ютуққа эришганлари ҳам, кулгига қолиб, томошабин ишончи ва ихлосини бой берганлари ҳам бўлди. Чунки ушбу усулни қўллаган айрим режиссёрлар видеокадрлар, нурлар ва бошқа эффектларни саҳнада кечаётган жонли ижро билан боғлай олмадилар. Оқибатда саҳнада асосий ролларни бажараётган актёрлар бир четда қолиб кетди.

Мультимедия санъати дейилганда, турли саҳнавий эффектлар, қиёфалар, сунъий муҳитлар яратиш каби қатор режиссёрлик ишлари

тушунилади. Шунингдек, мультимедия аслида, кенг майдонларда ўйналадиган томоша санъати орқали саҳна санъатига кириб келди. Театр санъатида эса, бу янгиликни тўғри қўллаб олган режиссёрлар юқорида эслатиб ўтганимиз (“Қирол Лир”) спектаклдаги каби ютуқларга эришмоқда.

Демак, театрда томошабин нега келмайди, деган саволга жавобни театрларда саҳналаштирилаётган аксар спектакллар ҳамон эски ва аънавий усулларда саҳналаштирилаётганидан, мавзуларнинг майдалашиб кетаётганидан, актёрларнинг ижро маҳорати маромига етмаётганидан излаш керак. Сабабки, юксак технологиялар асрида яшаётган томошабин бир қолипга тушиб қолган ижроларни иштиёқ билан кўргани келмайди. Яъни томошабин эътиборини оддий усулда саҳналаштирилаётган спектакллар орқали театрда кўпроқ жалб этишга уриниш — анча мушкул иш. Демак, янгиликка интилиш, излаш, янги талқин ва афғалирича излаш бу-гунги театр санъати олдида турган муҳим вазифадир.

Ўрни келганда, намоиш этилаётган спектакллар савиясини кўтаришга тўққинлик қилиб турган айрим ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаби ҳақида тўхталиш жоиз. Биринчидан, спектаклларни янада жонли, кўримли ва ишонарли қилиш учун зарур бўлган маҳоратли, тажрибали, яъни профессионал режиссёр ва актёрлар тобора камайиб бораёпти. Иккинчидан, драматург билан режиссёр ўртасида яқин, бир-бирини тушунадиган даражадаги ҳамкорлик алоқалари сусайиб кетган. Театр саҳнаси учун чинакам драматик асар ёзиб бера оладиган ёзувчилар кам. Борлари ҳам режиссёр томонидан “бурдаланган”, ҳали маҳорат ва малакаси шаклланиб улгурмаган актёрлар ижроси туфайли “майиб” бўлиб қолган асарини, саҳнада кўргач, драматургия билан жиддий шугулланишни йиғиштириб қўйди.

Шухрат АКРАМОВ



Собир РУСТАМХОЛИ,
Озарбайжон халқ шоири



МИЛЛАТДАН АЙРИЛСИН

Бу бизнинг Нахчивон, бу бизнинг Муған,
Бу бизнинг Қорабоғ, бу бизнинг Ширвон.
Ҳаммамиз бир юрак, ҳаммамиз бир жон,
Ким айтар айрар тирноқни этдан,
Айирмоқ истаган айру миллатдан.

Кувонч бизниқидир, дард ҳам бизимдир,
Элтувчи сийнамдир, тўзган тизимдир,
Менинг ўз Бакумдир, ўз Табризимдир,

ҲАММАМИЗ БИР ЮРАК, ҲАММАМИЗ БИР ЖОН

Ҳар уй ўз уйимдир бу мамлакатда,
Айирмоқ истаган ажрар миллатдан!

Ҳамият, шуд берди қайғукаш она,
Минг йил, минг сой оқди битта уммонга,
Тутма бу оловни, қўлларинг ёнар,
Ҳаммага қарз тушди сўнг баракотдан,
Айирмоқ истаган ажрар миллатдан!

Бир ишққа айландик чўқилганда дон,
Ўша чашмадандир томирларда қон,
Ҳаммага ўша сир бўлди бу зиндон,
Барқираб чиқамиз бу ҳароратдан,
Айирмоқ истаган ажрар миллатдан!

Булути ёғишдан, сойлари селдан,
Ақли кесаридан, қиличи белдан,
Тангрини илҳомдан, қуйларни дилдан,
Сўзи аччиғидан, қўли заҳматдан,
Айрилиқ истаган ажрар миллатдан!

Карвони гиряга дўнган дейилди,
Сийнаси кўклардан энган дейилди,
Юз жойин боғласанг сўнган дейилди,
У шамки олишиб ёнар қудратдан,
Сўндирмоқ истаган ажрар миллатдан!

ҚАЛАМГА

Ўз ҳўжа тилингдан асил қаламим,
Эй қусур қаламим, Қизил қаламим!..
Қалам ё ёғочдан, ё тошдан бўлар,
Лайлақдан, кўмирдан, қамишдан бўлар,
Қизилда ёзилган сўз қизилмиди?
Қизилга касрли сўз ёзилди?
Балки чиритдилар мураккабини,
Балки етказаман қайнар таъбини.
У зиндон ерига қўришга кетган,
У жанг майдонига қўришга кетган,
Миллатнинг ўзига ёлгон пишқирган,
Заҳарли кўздан илон пишқирган

У қандай вазифа, қандай машмаша,
Санинг тўфонингдан сал ийқилмаса,
Қонимни ичайин қон юқилари,
У дон бозорининг "ён" кўнимлари,
Ватанин руҳини тугаши билан,
У олиб бермоғи расмий иш билан
Яна ёд сўзларин қийини олдда,
Сендағи саф қани унутилгунча,
Сенинг шўхратинг, сенинг кучинг,
Санинг қиссаларинг унутилгунча,
Кет йиғлар қалбимга қисин, қаламим.
Кет мозоринг бўлган кўҳна чибимдан,
Кесилган тил каби асил қаламим!..

ОНА ЙИҒЛАМАСИН

Дунёда оналар ҳеч йиғламасин,
Оналар йиғласа чидай олмайман.
Соҳибсиз уммондир она қадари
Уни сўна каби қақа олмайман.

Ҳеч қачон оналар йиғламасин,
Дунё етимлашар она йиғласа.
Онанинг кўзига ғам тилаганлар
Онанинг кўзини жондай сақласин.

Чекаман онанинг қаҳор пайини,
Ичаман онанинг заҳар пайини,
Онанинг кўзига ғам тилаганлар,
Ёлғиз оналар йиғламасин.

Қўй оқ чечакларни тузай сочиға,
Тўқилсин сочининг оқи гулларга
Она кўзарида ғамни кўрмайин,
Ғами ёзга дўнсин, охи гулларга...

Ёлғиз оналар йиғламасин,
Чўққимдир, тоғимдир бори шон бўлсин.
Ол-қўшлук қуйиш унга ярашмас,
Онанинг кунлари севинчга тўлсин!

Ёлғиз оналар йиғламасин,
Она ғамларига чидай билмайман!..

Отилиб оҳ каби бир кун бу қамондин чиқдим,
Минг шўржи, ахир оҳдин-омондин чиқдим.

Бирга "жон" қалимасини олмоқ учун дилбардан,
Десам бўлмас ёлғоним
минг даъфа жондан чиқдим.

Кўп эди у сиз тўкин сақлашини бош сўздан,
Халқим, миллатимнинг ман ҳам бу ёндан чиқдим.

Ҳар сўзимдан қон ҳиди келмаса ҳам мандан кеч,
Чунки тарих мани ҳей, бўғувчи қондан чиқдим.

Ул қадарки, тўладир ўлка имонсизлардан,
Балки бир кун қўшилиб ман ҳам имондан чиқдим.

Озарбайжончадан
Дилбар ҲАЙДАРОВА таржимаси

ХОТИРА



"Шуъла" ижодкор ёшлар адабий тўғарагини таниқли шоира Мукаррама Муродова узок йиллар бошқарган. Бугун "Шуъла"ни билмаган, Мукаррама опамни (жойлари жаннатда бўлсин) танимаган одам ижодкорлар орасида ҳам топтлмаса керак.

АЛАНГАГА АЙЛАНГАН «ШУЪЛА»

Ўшанда ўтган асрнинг саксонинчи йилларнинг ўрталари эди. Шоирлар қишлоқда туғилди... деган гапга амал қилиб, мен ҳам Тошкентга келдим. Ижодкор опаларимдан: "Эртага "Шуъла" бўлади" деган хабарни эшитгач, "Илҳом" ижодиёт клубига бордим. Бу менинг илк марта "Шуъла" адабий тўғарагига қатнашим эди. Мукаррама опам тўғарақни олиб бораркан, бугунги меҳмонимиз, деб сўз навбатини ҳассос шоиримиз раҳматли Муҳаммад Юсуфга берди. Шоир саволларимизга жавоб бергач, шеърлар ўқиди ва маҳорат дарси ўтди. Ўқтам, жозибали овоз. Бу овоз ҳалигача қўлоқларим остида жаранглайди.

Тўғарақ бир ойда бир маротаба ўтар, шоирлар Эркин Воҳидов, Абдулла Ори-

пов, Ҳалима Худойбердиева, Усмон Азим, адабиётшунос олимлар таклиф қилинарди. Машғулотлардан олам-олам таассурот билан чиқардик. Янги китоблардан сўз очилса, уялиб қолмаслик учун уларни толиб ўқир, яхши шеърлар ёзишга ҳаракат қилардик. "Шуъла" ўзбек шеъриятига забардаст шоирларни тарбиялаб берди. Улар орасида Аъзам Ўқтам, Равшан Файз, Чори Аваз, Замира Эгамбердиева, Шукур Содиқ каби шоирлар бор эди. Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Зулфия Мўминова, Фахриёр, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Мирзаева, Холмуҳаммад Ҳасан, Абдумажид Азимов, Дил-

шод Ражаб, адабиётшунос олим Раҳмон Кўчқор ҳам шу тўғарақ фаоллари бўлган. Мукаррама опам гап орасида "Шуъла"ни алангага айлантирмаган, деган экан. Устоз ниятига етди. Фидойилик, бағрикенглик, меҳнатқашлик эвазига "Шуъла" алангага айланди. Тўғарақ бизни меҳр-оқибатли, бир-биримизнинг яхши-ёмон қуниимизда суянч, ҳамдард бўлишга, устозларни йўқлаб туришга ўргатди. Мукаррама Муродованинг раҳматли умр йўлдоши, публицист Мирзакарим Пирматов биз вилоятлардан келган ижодкорларга ўз уйларида жой бердилар. Тез-тез дастурхон ёзиб, устига анор донналари сепилган андижонча ош билан сийлаганлар. Мукаррама опамнинг бир гаплари ҳеч

эсимдан чиқмайди: "Бошимда эркаким йўқлиги ўғлим Музаффаржон ўтган кунда жуда билинган. Энди нима қиламан, ўғлимни қандай қилиб Бўзга олиб кетаман, деб бошим қотганди. Тонг қаронғусида балқондан пастга қарасам, ҳамма шоир йигитлар хизматга шай бўлиб турибди. Уларни қўриб йиғлаб юборганман", деган эди. "Шуъла" нафақат шоирларни, балки ҳақиқий ўғлонларни, садоқатли шогирдларни ҳам тарбиялаган эди.

Устозларимиз берган сабоқ ҳамон бизни зугуликка ундайди. "Шуъла"нинг алангаси ҳамон қалбимизни иситиб, ёритиб турибди.

Дилором ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

НАФОСАТ РАМЗИ

Тошкент Фотосуратлар уйида "Ўзбек аёли — ўтмиш, нафосат, келажак рамзи" номли кўргазма Халқаро хотин-қизлар бай-



рамига бағишланди. Мазкур экспозицияда Ўзбекистон миллий архивлари ҳамда давлат архивларида сақланаётган икки юзга яқин фотосуратлар намойиш этилди. Илк ўзбек рассоми Шамсирўй Ҳасанова, шоира Зулфия, Тамирахоним, Галия Измайлова каби санъат дарғаларининг ёрқин қиёфалари акс этган фотосуратлар томошабинларга манзур бўлди. Мустақиллик йилларида яшаётган озод ва ҳур аёлларнинг мунис чехраси ҳаётнинг гузаллашиб бораётганидан далолат беради. Ушбу кўргазма "Ўзархив" агентлиги, Бадий академия, Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви ва Тошкент фотосуратлар уйи ҳамкорлигида ташкил этилди.

АЁЛ СИЙРАТИДА БАҲОР НАФАСИ



Ўзбекистон давлат санъат музейида очилган "Аёл сийратиди баҳор нафаси" кўргазмасида таниқли рассом Дилором Мамедованинг юзга яқин рангтаъсир асарлари намойиш этилмоқда. Рассом натюрморт, манзара, портрет жанрларида самарали ижод қилаётган бўлса-да, аксарият асарларда ўлкамизнинг сўлим манзаралари акс этган. Айниқса, "Она меҳри" номли асарида лайлак уясини ва лайлакларни рассом кўёш нурлари билан безаган. "Қизғалдоқлар", "Гулдаста" каби ишларида турфа гулларни ўзига хос тасвирлаган. Д.Мамедовани ўзбек ҳовилиларининг моҳир тасвирловчиси, десак, муболаға бўлмас. Замондошлар қиёфаларида нафақат аёллар сиймосини, балки азалий тақинчоқлару миллий либосларни ҳам кўриш мумкин. Албатта, ушбу кўргазмага келган санъат шайдоси аёл қалбини яна бир бор кашф этади.

Сарвара ҚОСИМОВА

ҲАЖВИЯ ЎРНИДА

УЛУҒЛАРНИ КЎРГИНГИЗ КЕЛСА...

Эрталабдан Ёзувчилар уюшмасида ишлайдиган Анвар Ботир дегич шоир уюшмаси телефон қилди:

— Ака, биласиз, жойларда китобхонлик бўйича тадбирлар бўляпти. Бугун сизнинг навбатингиз, бир маҳаллага соат учда тадбирга боришингизни айтишди.

Тўшдан кейин муҳаррирдан изн олиб, тадбирга чопдим. Сал кечикибман. Эшик олдида ўрта ёшлардаги бир киши кутиб олди.

— Ичкарида кимлар бор? — пичирлаб сўрадим.
— Ичкарида Ҳалима Худойбердиева бор.
— Йўғ-е, қачон келди?
— Боя, ўзим кутволдим.
— Қандай қақариб олдиларинг? — дейман қўлим билан осмонга ишора қилиб.
— Хат берувдик, келди, — дейди бамайлаҳотир.
— Кечирасиз, ўзлари ким бўладилар? Мана бу ерга ёзиб қўйишим керак-да.
— Менми, мен "Шарқ юлдузи" журналида ишлайман...

— И-я, у журнал ҳалиям борми? — кўзини бақрайтириб сўради. Жавобимни кутмасдан яна саволга туттди: — Кечирасиз, исми-шарифингиз?

Кейинги саволидан баттар жажжим чикди.
— Агар ичкаридаги одам ростдан ҳам Ҳалима Худойбердиева бўлса, мен аниқ Ўткир Хошимов бўламан, — дедим. Ҳалиги одам:

— Э, бор бўлинг, Ўткир ака, мен сизнинг шеърларингизни роса севиб ўқийман, — деб бошқатдан кўришди.

Ичкарига кирсам Зулфия Мўминова "Болага китоб беринг" деб шеър ўқийган экан. Менга сўз навбати берилаётганида Зулфия опага қараб, "Сизга қатна раҳмат, Ҳалима опа", деб қўйдим. Зулфия опа ҳайрон...

Тадбирдан сўнг ҳалиги одамни қидириб тополмадим. Номард, кимсан "Ўткир Хошимов" дан дастхат олмай жўнаворибди.

Айтмоқчи бўлганим, мабодо, сизни ҳам бирор маҳаллага тадбирга қақаришса, қолиб кетманг, эҳтимол, Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидовни учратиш қоларсиз...

Муҳаммадсиддиқ РАҲМАТОВ,
шоир

«СУВАРАК» СОЧИДА

Адиб Нёъмат Аминов таътилга чиқиб, дам олиш учун Сочига кетган. Хонада Зоҳиджон Обидов, Мирзо Кенжабек ва қамини қолганмиз. Бир пайт телефон жиринглаб қолди. Гўшақдан машҳур шоир Толиб Йўлдош домланинг овози янгради. Толиб ака "Муштум" чилар билан жуда иноқлашиб кетган, шунинг учун бўлса керак, ҳамма билан ўз иниси ёки ўртоғидай муомала қилар, бу ҳолат ҳеч кимга малол келмасди:

— Ким бу?! Суварак қани?!
Билдикки, Нёъмат Аминовни йўқлаяпти (улар ўзаро шу даражада ҳазил-хузулли, қадрдон эдилар). Ўша кунларда ёзувчининг «Ел-визак», «Суварак» номли қиссалари «Ёшлик» журналида босилиб, жуда машҳур бўлиб кетган эди.

— Сочиди, дам оляптилар, — жавоб қилдим мен.
— Дам оляпти дегин. Қачон келади?...
Толиб ака жавобимни ҳам кутмай гўшақни қўйди.

Шоирнинг бу гаплари бизга наъша қилди. Кўп ўтмай Нёъмат ака хордиқдан қайтди. Толиб аканинг навбатдаги ҳазилини эшитиб, қотиб-қотиб қулди.

— Ҳа қария, йўғимизда нолу бир қилиб қўйибди-да. Қараб турсин ҳали.

Уч-тўрт кун ўтгач, телефон яна жиринглади. Икки ижодкор ўртасида салом-алиқдан сўнг тахминан мана шундай савол-жавоб бўлди:

— Мен сизга Сочидан совға опкелдим, Толиб ака.

— Кам бўма. Яхши йигитсан-де, оканг айлансин. Совганг нима?

— Шапка.

— Размери неччи?

— Олтмишинчи.

— Э-э, катталик қилади-ю.

— Ниचेво, озгина пайтава ўрасангиз, лоппа-лойиқ келади.

Нёъмат ака шошилиб гўшақни қўяркан, мамнун жилмайди:

— Биру бир қилдик, қхх...

ЭҲТИЁТЛАБ СЎКИШ

«Муштум» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари Олим Қўчқорбеков юмшоқ табиятли, ажойиб одам эди. Ходимларни уришса ҳам эҳтиёт қилиб уришарди. Биз бу андишани кўпинча суийстеъмол ҳам қилардик.

Ўша куни Мирзо Кенжабек билан хонада ишлаб ўтиргандик. Толиб Йўлдош домла кириб келди-да, икки-уч ой олдин топширган ҳажвий шеърлари тақдирини сўраб қолди. Ошиғич ўтказган суриштируларимиздан маълум бўлдики, асарлар ҳамон Мирзо Кежабекнинг тортмасида, «пишиб» ётган экан. Вазиятдан чиқиш керак, бўлмаса, домла таъзириимизни бериши тайин.

— Шеърни тушириб юбордик, шекилли, — талмовсирди Мирзо.

— Ҳа, а-анча бўлди. Замредакторда бўлса керак, — қўллаб юбордим мен.

Муаллиф шахд билан Олим аканинг хонасига кириб кетди. Воқеа бирдан бундай тус олишини биз ходимчалар қаердан билибмиз. Шеър раҳбарда десак Толиб ака ховридан тушиб, қайтиб кетади, деб уйлагандик.

Толиб аканинг бош муҳаррир ўринбосари хонасини роса «шудгор» қилаётгани эшитилиб турди. Шоир муҳаррир ўринбосарини обдан бўралагач, шитоб билан ташқарига йўналди. Олим ака: «Тўхтанг, ҳой мусулмон, қулоқ солсангиз-чи», деганича қолди. Бизнинг эса, даммизиз ичимизга тушиб кетган, иш расво бўлганди.

Бир оздан сўнг остонада Олим ака пайдо бўлди. Бечоранинг буйин томирлари бўғриққанидан бармоқдай-бармоқдай бўртиб чиқибди.

— Толиб ака валий шоиру... сўққани чатоқ-да. Шеърларини тезда кўчиртириб беринглар. Шу сонга тиквормасак, яна балога қоламиз, — деди-да, бизга оддий танбөхчи ҳам раво кўрмай изига қайтди.

Хавотирдан нафаси ичига тушиб кетган икки ходимча шу лаҳзада Олим акани шунақанги яхши қўриб кетдик...

«КЎЗИМ ҚАРВОН ЙЎЛИДА»

Толиб ака йилда бир-икки бор "Муштум"да ҳам шеърларини эълон қилдирадди. Бир галги туркумига:

Кўзим қарвон йўлида,
Сафарга шайланганман.
Суратим одам, асли,
Саробга айланганман —

деган тўртлигини ҳам киритибди.

Тағмаёно Нёъмат акага, айниқса, Мирзо Кенжабек икковимизга қаттиқ таъсир қилди. Худдики, ажал қарвони эртагаёқ етиб келади-ю, Толиб акани туясига ўнғариб олиб кетадигандай.



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассиси:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарибмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масхул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шўҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1141. Буюртма Г - 344.
Ҳажми - 3 босма тибок. А - 2.
Нашир кўрсаткичи - 222.
Ташиқлотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

